O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 9-sentabr, 2009-yil ● №39 (641) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

НОМИНГДАН АЙЛАНАЙ, НАВОИЙ!

Номингдай айланай, Навоий! Ватанимнинг бебаҳо бойликларига макон бўлган тилло юртим! Бепоён чўллар бағрида ястаниб ётган муқаддас тупроқ. Саксовуллар садосидан, ўт-ўланлар нидосидан, турфа қушлар сайроғидан мадад олаётган диёр!

⇨ 2-бет

КИТОБ — ИНСОН РУҲИНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ

Чинакам этика сингдирилган адабиётда насиҳат борлигини ҳам, кишини тарбияламаётганини ҳам китобхон сезмайди. Шунинг учун сиз қаҳрамоннинг аҳволига йиғлайсиз ё ундаги руҳ сизга ҳам кўчганини сезмай қоласиз. Ўша асар сизни қулоғингизга карнай билан насиҳат қилгандан кўра, юксакроқ тарбиялайди.

⇨ 4-бет

"МАЙСАЛАР ТИТРОҒИ КИРАР ЖОНИМГА..."

Зебо Мирзо инсон туйғуларининг куйчиси, кашфиётчиси сифатида элимизга танилди, у шеърларига имзо қўймаса-да, мухлислар уни ижодидан таниб олади. Бунга мухлис сифатида мен кафилман.

⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда "MAN" компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон автомобилсозлик саноати корхоналари билан "MAN" компаниялар гуруҳи ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

■ 7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига имзо чекди.

■ **7 сентябрь куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати хабар қилишича, 2009 йилнинг 29 август куни 1-шаҳар касалхонасининг атрофида, "Кўкча" масжиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилида Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

ТАЪЛИМ

ЮРТИМИЗ ЧИРОЙИНИ ОЧАЁТГАН МАКТАБЛАР

Бугун юртимиз таълим тизимида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий Дастури" асосида республикамизнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаётган кўркам мактаблар, таълимдан сўнг ҳашамат касб этаётган таълим масканлари кўзни қувнатади. Амалга оширилаётган бу ишлар замирида битта мақсад мавжуд. У ҳам бўлса Ватанимизнинг куч-қудрати, гуллаб-яшнаши, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятининг юксаклигини таъминлашдир.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам республикамизда янги умумтаълим мактаблари барпо этиш, мавжудларини тубдан реконструкция қилиш, педагоглар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бу Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларни пухта билим, мустақил фикр, соғлом ва теран тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётганидан далолат беради.

Яқинда Фарғона вилоят Бувайда туманининг Қўнғирот қишлоғида 500 ўринга мўлжалланган 47-умумтаълим мактаби капитал реконструкциядан чиқарилиб, ўқувчиларни ўз бағрига олди. Навқирон авлод янги замонавий таълим масканида мустақиллик дарси билан навбатдаги ўқув йилини қаршилади. Қўшимча ўқув биноси, спорт зали ва ошхона ҳам бу даргоҳда таълим олаётган ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишишларига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Суратда: *Бувайда туманидаги 47-умумтаълим мактаби директори Эргашой Турсунова бир гуруҳ ўқувчилар билан.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

МУЛОҲАЗА

Қўшиқчилик санъати:

КЛИП КЕРАКМИ?

Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юритар эканмиз, аваламбор "миллий эстрада" деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, "оммавий маданият" руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган "асар"лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий "оммавий маданият" кўринишларига тақлид қилиш, "юлдузлик" касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта.

Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас.

Президент Ислом КАРИМОВнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан.

Яхши куй-қўшиқ дилларга малҳам бағишлайди. Киши кайфиятини кўтариб, эзгуликка, яхшиликка ундайди. Қолаверса, ёшлар тарбиясида муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Аммо бугун яратилаётган қўшиқларни, уларга ишланаётган клипларни бир таҳлил қилиб кўрайлик-чи, қай бири маънавий дунёмизни бойитишга хизмат қилар экан?!

Очиғини айтиш керакки, кейинги пайтда баъзи телеканаллар орқали эфирга узатилаётган айрим клиплар томошабиннинг маънавий дидига, ахлоқига салбий таъсир кўрсатаяпти, десак адашмаган бўламиз. Савияси саёз қўшиқлар ҳақиқий санъат шинавандаларининг эътирозига сабаб бўлаётган бўлса, ўз навбатида телеканалларнинг ҳам обрўсини тушириб юбораяпти. Бундай ҳолатларни, айниқса, ҳудудий телеканалларда кўп учратиш мумкин.

Албатта, халқимиз орасида истеъдодли ёшлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз ижро услуби билан "зангори экран" орқали чиқиб, эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозонишни хоҳлаши табиий. Бирорта қўшиғига клип ишлаб, телестудияга кириб келади. Бундай пайтда ҳаваскорларнинг ижодидаги камчиликлардан кўз юмиб, эфирга узатиб юборилса, ким ютади-ю, ким ютқазади?

(Давоми 7-бетда.)

ОБУНА — 2010

Қадрли юртдошлар!

Келгуси йил учун обуна аллақачон бошланди. Албатта, "Hurriyat"ни 2010 йил давомида ҳам мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга шубҳа қилмаймиз.

Ўз навбатида Сиз азиз газетхонларнинг фикрингизни билмоқчи эдик:

— Қайси мавзулар эътиборимиздан четда қолаяпти?

— Кўпроқ кимлар ҳақида, нималар хусусида ўқишни истайсиз?

— Ҳаёт бор экан ютуқлар ҳам, камчилик ва муаммолар ҳам бўлади. Айтмоқчимизки, Сизни бугун қандай муаммолар ўйлантираяпти?

Бизга ёзиб юборинг. Фикр-мулоҳазаларингиз, тавсия ва таклифларингиз фаолиятимиз мезонини белгилайди.

Унутманг, "Hurriyat" — сизнинг эркин минбарингиз!

Эслатиб ўтамиз: "Hurriyat"нинг нашр индекси — 233

ДУНЁ СИЁСАТИ

Олий Рада тарқатилиши мумкин

Украина президенти Виктор Юшенко "Интер" телеканалига берган интервьюсида "Олий Рада ўзи тарқалиши керак", деди.

Унинг таъкидлашича, Рада кейинги пайтда ишлаётгани йўқ. Ишламайдиган парламент эса ҳеч кимга керак эмас. Рада ўзини ўзи тарқатиши лозимлиги ҳақида парламент раиси Владимир Литвин ҳам гапириб ўтганди.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, ушбу интервьюси билан Юшенко президент сайлови кампаниясини ҳам бошлади. "Время новостей" газетаси бу курашда унга амалдаги бош вазир Юлия Тимошенко ва Рентионлар партияси раҳбари Виктор Янукович рақиб бўлади, дея ёзади.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

АКС-САДО

"Газетани қишда — иш камлигида чиқарса бўлмайдими?"

ёки "Hurriyat" газетасининг 2009 йил 5 август сонида чоп этилган "Воқеликни борлигича ёзиш керак" номли мақолани ўқиб...

Ушбу мақола сабаб бир неча ойдан буён юрагимда туғён ураётган мулоҳазаларни қоғозга тушириш нияти пайдо бўлди.

Бундан бир йил аввал ўзим дуч келган бир воқеа ҳамон кўз олдимда гавдаланади. Андижон шаҳридаги газета дўконидан ўзим севиб ўқийдиган айрим нашрларнинг янги сонларини харид қилгач, саҳифаларга кўз югуртира бошладим. Шу пайт сочларига оқ оралаган, ёши элликлардаги киши дўконга яқинлашиб, сотувчидан "Саҳифаси кўпроқ газеталарингиз борми?" дея сўради. Мен эса қизиқиш билан беихтиёр суҳбатга қулоқ тутдим.

— Мана бу газеталар бор, — деди сотувчи ва анчадан буён сотилмай қолган бўлса керак, сарғайиб кетган бир тахлам вилоятда чоп этиладиган айрим маҳаллий нашрларни харидорга тутди.

— Менга ўнта беринг, ҳаммасига 500 сўм бераман, — деди у киши.

— Йўғ-е, нима деяпсиз, ака. Бу газеталарнинг ҳар бир нусхаси 200 сўмдан, — деди сотувчи аёл.

— Сотилмай қолиб кетибди-ку, буни ким ҳам оларди? — деди боягги одам.

— Эски газеталарни ҳам ўқир экансиз-да, — дедим мен суҳбатга аралашиб.

— Э, нималар деяпсиз синглим, ўқиш учун олмаяпман. Уйимизни таъмирлаётган эдим, шунга керак.

Очиғи, бу гапни эшитиб юрагимдан нимадир узилгандек бўлди.

— Ахир бу газетани чоп қилиш учун одамлар қанча меҳнат қилишган, увол бўлади-ку! — дедим куюниб.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ПУБЛИЦИСТИКА

НОМИНГДАН АЙЛАНАЙ, НАВОИЙ!

Навоий заминига қадам қўйишингиз билан нигоҳингиз дастлаб озодалик ва ободликка тушади. Руҳингизни ҳам ўз-ўзидан покизалик чулғайди. Айтайлик, ярақлаб турган «Навоий» темирйўл вокзалидан қайси томонга юрманг, сизга топ-тоза кўчалар, гулзорларга бурканган озода йўллар ҳамроҳ бўлади. Навоий шаҳрига қайси томондан кириб борманг, албатта, сизни кўркам кўчалар, равон йўллар, чиройли йўлаклар бағрига олади.

Сиз юриб асло чарчамайсиз Навоий кўчаларида,
Сиз юриб асло тўймайсиз Навоий кўчаларида.
Қалбингизни осмон қадар юксалтирар ободлик
Сиз юриб асло толмайсиз Навоий кўчаларида.

Ҳақиқатан ҳам бу серфайз кўчаларнинг оҳанрабоси бор. Одамларни мудом ўзига тортиб турадиган меҳригиёси бор. Шу боис Навоий шаҳрига биринчи марта келган меҳмоннинг қалбида озодалик нақшлари бир умрга муҳрланиб қолади. Ва шаҳарнинг мафтунига айланади.

Айниқса, мустақиллик йилларида Навоий шаҳри янада чирой очди, янада гуллаб-яшнади. Унга саҳро бағридаги мўъжиза-шаҳар, деб бежиз таъриф берилмаган.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан шаҳар марказида улуғ бобомиз Алишер Навоий боғи ва муаззам ҳайкали бунёд этилди. Президентимизнинг: «Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир», — деб буюк Навоийга берган юксак баҳоси ҳар бир навоийликнинг қалбидан чуқур ўрин олган. Зеро, муҳташам боғ ҳам, улуғвор ҳайкал ҳам ҳамиша зиёратчилар билан гавжум. Айниқса, ёш келин-куёвларнинг тўйи олдидан ушбу ёдгорликни зиёрат қилишлари, улуғ боболари ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиб, гўё «оқ фотиҳа» олишлари уларга бахт эшикларини очади, маънавий мадад бўлади.

Навоийга талпинишнинг ўзи бахт
Навоийдан мадад сўраш улуғ саодат.
Навоийдан руҳланиш маънавий жасорат,
Навоийни англаш ва эъзозлаш буюк ибодат...

Навоий шаҳридан бошланган бу улкан ободлик ва озодалик ҳаракати вилоят бўйлаб кенг қанот ёзиб бораётир. Энг муҳими, бу одамларнинг маънавий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатаётир. Бугун Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Навбаҳор, Нурота туманларида, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида бўлаётган беқиёс ўзгаришларни, ободончиликларни кўриб кўзлар қувонади. Қишлоқлар ҳам ободлик ва мусаффолик фаслига кирди. Қишлоқ кўчаларида гуллар барқ уриб, уйларнинг атрофи, ҳовлилар, дарвозахоналар кўркамлаша бошлади. Уйининг атрофини ўт-ўлан қоплаган одам хижолат тортадиган, ҳовлисидаги жиндай тартибсизликдан ҳам уяладиган бўлди.

Вилоятнинг янги раҳбари ташаббуси билан бошланган бу улкан ободлик ва озодалик тадбирларини, сафарбарлик ҳашарларини, катта-ю, кичик бирдай қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, қатор туманларда «Обод маҳалланинг обод хонадони» танловлари бўлиб ўтди. Бу тадбирлар шунчаки номига ўтаётгани йўқ. Унга маҳаллалар мутасаддилари билан бирга ҳар бир хонадон эгалари жиддий тайёргарлик кўрдилар. Бу ўша хонадоннинг янада обод бўлишига олиб келаётир.

Ободликда — ҳикмат бор, поклик бор, фазилат бор.
Ободликда — барака бор, сахийлик бор, ҳиммат бор.
Ободликни кўриб кўнгиллар яйрар, диллар қувнар,
Ободликда — бахт бор, саодат бор, хислат бор.

Кўчаси ободнинг кўнгли обод, маҳалласи ободнинг юрти обод, деган ибора бежиз айтилмаган. Бугун Навоий вилояти қишлоқлари, маҳаллаларида бўлган киши юқоридаги сўзларнинг ҳақиқат эканига ўзи гувоҳ бўлади.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан пойтахтдан борган ижодий гуруҳдаги ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар зиёлилар, ишчилар, меҳнаткашлар, ёшлар ва нуронийлар билан бўлган маънавий-маърифий учрашувлар ва мулоқотларда қатнашиб, вилоятдаги улкан ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушдилар.

Вилоятда мустақиллик йилларидаги ижобий ўзгаришлар янада кўпайиб, янада бойиб бормоқда. Энг улуғ, энг азиз байрам арафаси навоийлик матбуот ва оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун ҳақиқий тантана бўлди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қурилган Матбуот уйининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги босмахона ҳам ишга туширилди. Бу маданий ҳаётимизда ҳам ибратли воқеа бўлди. Шунингдек, Зарафшон шаҳрида эркин кураш ва оғир атлетика спорт мажмуаси, Навоий шаҳрида бадиий гимнастика зали ёшларга муносиб совға бўлди. Вилоятда бу йил 3 та янги қурилган коллеж ўз фаолиятини бошлади.

Суратда: *Навоий шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган Матбуот уйи.*

Жорий йилда 8 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларининг янги биноси ва 6 та маҳалла гузари қурилиши режалаштирилган. Ҳомийлар ҳамкорлигида бу эзгу ишлар жадал амалга оширилмоқда. Бир қатор янги замонавий бинолар мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди.

Масалан, Хатирчи тумани Янгиработ шаҳрида «Бахт уйи»нинг янги биноси очилгани барча хатирчиликларни хушнуд этди. Кармана туманидаги 500 ўқувчига мўлжалланган 14-мактабнинг янги биноси байрам кунларида тантанали равишда очилди.

Вилоятда шу кунгача 5 та аҳоли пунктида 11,6 км. узунликдаги янги ичимлик суви тармоғи қурилиб, 6,5 километрлик сув қувурлари таъмирланди. Натижада 3,2 минг аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Шунингдек, 7,6 км. янги газ қувурлари тортилди ва 900 метр масофадаги газ қувурлари таъмирланди. Қишлоқларда шу кунгача жами 6270 та, шу жумладан, касаначилик асосида 905 та янги иш ўрни жорий этилиб, кўпчилик иш билан таъминланди. 260 та хизмат кўрсатиш ва турли сервис шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йил охиригача 7 та янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилади. 649 та хизмат кўрсатиш жойлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилади. 65 та иссиқхона ва 24 та паррандачилик фермаси очиш режалаштирилган. Шунингдек, вилоят бўйича 4 та замонавий деҳқон бозори бунёд этилади. Барча соҳаларда бундай аниқ белгиланган режаларни кўплаб келтириш мумкин. Булар «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бўйича қилинган ишларнинг бир қисми, холос.

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасининг барпо этилиши нафақат вилоят, балки республика индустриясининг ривожига улкан замин яратди. Ҳозирда Навоий халқаро аэропортида ҳафтасига 20 дан ортиқ рейс бўйича самолётлар учмоқда. «Навоий-Деҳли — Навоий», «Навоий — Банкок — Навоий», «Сеул — Навоий — Брюссель», «Брюссель — Навоий — Сеул», «Милан — Навоий — Сеул», «Сеул — Навоий — Милан» йўналишлари фикримизга ёрқин мисол десак, хато қилмаган бўламиз.

Агар эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир рейсда «Навоий» сўзи тилга олинади. Бу биргина мўътабар сўз биз — ўзбекларга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Қалбимизни тоғдай юксалтиради. Ўзлигимизни янада чуқур англашда мадад беради. Навоийдек улуғ бобомизнинг қутлуғ номи яна жаҳон кезмоқда. Дунёнинг турли бурчакларида, улкан мамлакатларнинг пойтахтларида Навоий деган қутлуғ ва улуғ сўз янграмоқда. Бу — мустақил Ўзбекистоннинг жаҳондаги яна бир эътирофидир. Бу — ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам эмаслигининг яна бир карра исботидир. Бу ўзбекнинг борлиги, бутунлиги ва боқийлигидир.

Гўё Навоий бобомизнинг ушбу ўлмас ҳикмати қайта-қайта акс-садо бераётгандек:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-биринигизгаки эрур ёрлиқ иш...

Номингдай айланай, Навоий! Ватанимнинг бебаҳо бойликларига макон бўлган тилло юртим! Бепоён чўллар бағрида ястаниб ётган муқаддас тупроқ. Саксовуллар садосидан, ўт-ўланлар нидосидан, турфа қушлар сайроғидан мадад олаётган диёр!

Мустақиллик нафасидан Сен ҳам ҳар жиҳатдан гуркираб ўсиб, кун сайин улғайиб бораётганингдан ғурурланамиз. Азиз она-юртим, Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйидаги қувончларингдан қувонай, яхши ва саодатли кунларингда, муборак тўйларингда, улкан ғалабаларга эришган лаҳзаларингда хизматингда бўлай, ота маконим. Сенга ободлик ва озодалик манзаралари жуда-жуда ярашибди. Биз ишимизда ҳам, турмуш тарзимизда ҳам, маънавият маданиятимизда ҳам, тарбия ва маърифатда ҳам ҳамиша Навоий бобомизга муносиб бўлайлик. Навоийдан ўрганишга, ўрганиб амал қилишга интилайлик.

Ашурали ЖЎРАЕВ

ИМКОНИЯТ

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Ёш йигит ёки қиз бирон ножўя иш қилса ёхуд жиноятга қўл уриб, "қора курси"га ўтирса, "ёшлик қилиб қўйибди-да", — дейиш мумкин. Лекин аслида буни умрининг қадрини билмаслик, аксарият ҳолларда эса «тўқликка шўхлик», дея ўз номи билан атасак, тўғри бўлади.

Мамлакатимизда ёшларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, улар орасида ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик, тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, мулкка эгалик туйғусини шакллантириш, ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратиш, ёш авлод иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида ёшлар ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликларга жавобан баъзи соҳаларда яхши ютуқларга эришмоқда.

Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Маъруф Каримов ўз истеъдоди боис "Келажак овози" республика кўрик-танловида рационализаторлик таклифлари ва техник лойиҳалар номинацияси бўйича ғолиб бўлганди. Маъруфнинг ғайриоддий қараши кашфиётга айланди. У автомобиль двигателини сиқилган ҳаво ёрдамида ҳаракатга келтириш мумкинлигини исботлади. Ҳозир ўқишини Тошкент давлат техника университетида давом эттираётган бу ўн беш яшар ихтирочининг: "Мен ўз юртимнинг фарзандиман. Билимим ва ихтиром қандай баҳоланишидан қатъи назар, фақат Ватанимга нафим тегишини хоҳлайман", деган сўзлари барча ёшлар учун ибрат намунасидир.

Юртимизда бундай истеъдодли йигит-қизлар жуда кўпчиликни ташкил этади. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам қобилиятини намоён қилиб, билимини, иқтидорини кўрсатишга тайёр ёшлар анчагина. Масалан, Термиз туманидаги Халқобод қишлоғидан Зилола Саидқулова эса "Келажак овози" республика кўрик-танловининг "Тасвирий ва амалий санъат" номинацияси бўйича ғолиб бўлган. Зилола 3-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан бирга зардўзлик тўгарагининг раҳбари ҳам. У қишлоқдаги 40 нафар қизга касб сирларини ўргатиб келмоқда.

Жарқўрғондаги "Минор" хусусий фирмаси бир йилда 60 та янги иш ўрни яратди. Бу ерда истеъмолчиларга 20 дан ортиқ турда хизматлар кўрсатилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилди. Йигит-қизларни ижтимоий ҳаётга кўпроқ жалб этиш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқариш учун имкониятлар йил сайин кенгайтирилмоқда. Бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва "Ниҳол" мукофоти танловлари, "Янги авлод", "Келажак овози" каби қатор кўриклар, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" сингари спорт мусобақалари ёшлар орасидан минглаб истеъдод эгаларини кашф этиб, рағбатлантиргани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азиза ШОЙМАРДОНОВА

ТИББИЁТ

Юртимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, айниқса, аҳоли соғлиги йўлида меҳнат қилаётган тадбиркорлар кўп. Фарҳод Мираҳмедов ана шундай инсонлардан бири. Унинг 36 гектар ери бор. Бир неча йиллардан буён узум, гилос ҳамда буғдой етиштиради. Жорий йил бошида у яна бир хайрли ишга қўл урди.

Қибрай тумани марказидаги шифохона фаолият турини сақлаб қолиш, 100 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан сотувга қўйилган эди. Ёш тадбиркор ким ошди савдосида ушбу объектни сотиб олди.

Шифохона очган тадбиркор

Дастлаб тўрт қаватли шифо маскани тубдан қайта реконструкция қилинди, сув ва канализация тизими бутунлай янгиланди. Шифохона замонавий мебель ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Натижада жорий йил Наврўз байрами арафасида "Фарҳод мадад шифо" хусусий клиникаси иш бошлади.

Клиника бош шифокори Феруза Қосимованинг айтишича, бу ерда асосан ички касалликлар, юрак, асаб сингари сурункали хасталиклар билан оғриган беморлар даволанишар экан. Шифохонада замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида таҳлиллар олиниб, аниқ ташхис қўйиш имконияти яратилган. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилаётгани беморларнинг тез соғайишига хизмат қилаяпти. Бизда кардиосенс аппарати катта таассурот қолдирди. Бемор ёнида махсус ихчам ускунани бир кеча-кундуз олиб юради. Мана шу вақт давомида мабодо юракда оғриқ турса, бемор тугмани босади. Ускуна юракдаги ўзгаришларни қайд этиб боради. Сўнгра ускунадаги флешка компьютерга қўйилиб "ўрганилади" ва юрак фаолиятидаги барча жараёнлар тўлиқ таҳлил қилиниб, муолажага киришилади.

— Шу ускуна ёрдамида менга аниқ ташхис қўйишди, — дейди ўзини Зуфар Муҳаммадазизов деб таништирган бемор. — Даволанаётганимга беш кун бўлди. Аммо ўзгаришлар жуда яхши. Физотерапия муолажалари ҳам соғайишимга ёрдам бераяпти. Парҳез овқатларнинг сифати ҳам, мазаси ҳам яхши. Шароитлар аъло даражада йўлга қўйилган.

Замонавий "Sono AS 8000SE" русумли УЗИ ускунаси ёрдамида ички аъзолар ҳамда электрокардиограмма, рентген, қон, пешоб таҳлилларини ҳам клиниканинг ўзида ўтказиш имкони мавжуд. Беморлар шинам ва озода, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган хоналарда ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Уларга тўрт маҳал парҳез таомлар берилади.

Ҳозирда 120 ўринга мўлжалланган шифохонанинг 90 ўринидан фойдаланилмоқда. Қолган ўринларга мўлжалланган хоналарни ишга тушириш бўйича ҳам тайёргарлик кўрилаяпти. Ёш тадбиркорнинг саъй-ҳаракати туфайли элликка яқин иш ўрни яратилди.

— Президентимиз ташаббуслари билан соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ижобий ўзгаришлар бўлаяпти, — дейди ёш тадбиркор Фарҳод Мираҳмедов. — Биз худди шаҳардагидек қишлоқ ҳудудида ҳам сифатли хизмат кўрсатадиган шифо масканини очганимиздан хурсандмиз. Келгусида клиникамизда болалар бўлимини ҳам ташкил этиш ниятидамиз.

Ҳа, ёш тадбиркор мана шундай саховатли иш бошини тутган. Халқимиз "Дуо билан эл, меҳнат билан ер кўкарар" дейди. Шу ниятда катта йўл бошида турган Фарҳод Мираҳмедов раҳбарлигидаги "Фарҳод мадад шифо" клиникаси жамоасига омад ёр бўлишини тилаймиз.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Хабарлар оқими

ГЕРМАНИЯДА ДАВОЛАНИБ ҚАЙТИШДИ

Олти ой муқаддам "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида имзоланган уч томонлама битимга кўра, юқори даб ва танглайнинг туғма нуқсонлари билан билан оғриган 6 нафар бола Германияга даволанишга юборилган эди.

Яқинда Тошкент халқаро аэропортида уларни кутиб олиш маросими ўтказилди. Ўз ватанларига гўё янги туғилгандек, энг асосийси жисмонан соғлом ҳолда қайтган болажонларни мутасадди ташкилотлар вакиллари, ота-оналари кутиб олишди. Шунга бағишлаб ўтказилган тадбирда, сўзга чиққанлар юртимизда аҳоли саломатлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, бунда нафақат давлат ташкилотлари, балки нодавлат ташкилотларининг ҳам ўрни беқиёс эканлиги хусусида сўзладилар.

Эслатиб ўтамиз, айрим давлатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни реабилитация қилиш билан шуғулланаётган "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилотининг гранд маблағи ҳисобига ҳозирга қадар мамлакатимизда 200 нафардан зиёд бола Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда бир қатор вилоятлардаги клиникаларда операция қилинди.

Абдуғани СОДИҚОВ,
"Ҳиттіуат" мухбири.

"СУРХОН ЁШЛАРИ"НИНГ НИШОНА СОНИ

Яқинда "Сурхон ёшлари" газетасининг илк нишона сони нашрдан чиқди. Асосан вилоят ёшларининг ҳаёти, уларнинг фан, спорт, санъат, адабиёт соҳасида эришаётган ютуқлари, ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенг тарзда ёритиб боришни мақсад қилган нашрнинг илк сони газета муҳаррири Исроил Шомировнинг "Нурли манзиллар" номли бош мақоласи билан бошланади.

Биринчи сондаёқ ёшлар ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олган турли мавзудаги ранг-баранг ўқишли материаллар берилгани газета ижодий жамоасининг ўз мақсадлари йўлидаги интилишларини кўрсатади. Айниқса, муаллиф Аҳмад Дўстбоевнинг "Университет — улуғ қошона", Адолат Худойбердиевнинг "Кўкка бўйлаётган ниҳол", Собир Ёдиқовнинг "Армон", Нуриддин Тўхташевнинг "Бекорчидан худо безор" каби мақола, таҳлилий материаллари ўқувчилар эътиборини тортиши шубҳасиз.

"Тулхан" журнали бош муҳаррири Ашурали Жўраев, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Тўлқин Ҳайит, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозовлар воҳа ёшлари газетасига оқ йўл тилаб, ўз истакларини билдирган.

Даврон ОРИПОВ,
"Ҳиттіуат" мухбири.

АМУДАРЁ УСТИДАГИ ЯНГИ КЎПРИК

Беруний ва Урганч шаҳарлари бир-бирига жуда яқин бўлиб, фақат ўртада қадимий Жайҳун, яъни Амударё мавжланиб туради. Бу икки шаҳарни бир-бирига боғлаб турадиган кўприк замон талабларига тўлиқ жавоб беролмай қолганди. Шу боисдан ҳукуматимизнинг ёрдами билан Амударё устида шаҳарларни бир-бирига боғлайдиган янги темир-бетон кўприкни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Узунлиги 680 метр, эни 21 метрдан иборат бу иншоотни барпо этишда Тошкентдан малакали кўприксоз муҳандис ва тажрибали мутахассислар жалб этилди. Таҳиатош шаҳридаги 14-кўприксозлар гуруҳи жамоаси ҳам қурилишда фаол иштирок этмоқда. Амударё устидаги бу еттинчи кўприк битач, Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг иқтисодий ривожланишига янада ижобий таъсир қилиши шубҳасиз.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Ҳиттіуат" мухбири.

ФЕРМЕР ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КИРИШДИ

Ғузор тумани "Янгикент" ММТП ҳудудидаги Р.Бозоров бошлиқ "Бозоров Рустам Элбекович" фермер хўжалиги меҳнаткашлари пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштириш билан бирга паррандачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам бел боғлашди. Шу мақсадда паррандачилик фермаси ташкил этилди.

— Фермани ўз кучимиз билан қурдик, — дейди фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Нурбек Бозоров. — Бино қурилиши учун кетадиган маблағни тежаш мақсадида барча қурилиш-пайвандлаш ишларини жамоамиз аъзолари иштирокида ҳашар йўли билан бажардик.

Айни пайтда фермада 10 мингта наслли жўжа парваришланмоқда.

Ғулом АБДИЕВ,
"Ҳиттіуат" мухбири.

ЖАРАЁН

ҲУҚУҚ

Меҳнатсиз келган бойлик буюрмайди

Иқтисодий жиноятлар мол-мулкка дахл қилиши билан хавфли. Бу турдаги жиноятни, аниқроғи, фирибгарликни содир этувчилар ўзларининг қилмишларини осонроқ амалга оширишни кўзлаб, давлат идоралари, банклар, суғурта компанияларининг мансабдор шахсларини ҳам жиноятга жалб этишга уринаётганликлари ушбу муаммонинг нақадар жиддий эканининг амалий ифодаси, десак янглишмаймиз.

Маълумки, миллий иқтисодиётни юксалтириш, унинг барқарорлигини сақлаш учун бу соҳада учрайдиган жиноятчиликни бартараф этиш зарур. Олий суд пленуми жорий йилнинг 24 июль куни қабул қилган "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор ҳам иқтисодиёт соҳасидаги жиноят шаклларидан бири бўлган фирибгарлик (яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга оид жиноят ишлари)ни кўриш амалиётида юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, иқтисодиётга оид қонунчиликни мукаммаллаштириш, ҳуқуқий меъёрларга амал қилинишига эришиш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бухоро туман суди уюшган жиноий гуруҳнинг қилмишларини фош этиб, жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан адолатли ҳукм чиқарди. Маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари О.Бобоқулов, Ж.Арабов ҳамда И.Сафаров одамларни алдаб пул топиш ниятида ўзаро тил бириктиришади. О.Бобоқулов фуқаро Н.Воҳидовага ўзининг шаҳар ҳокимиятида ишлашини, хоҳласа унга яхшигина уй олиб беришини айтади ва эвазига саккиз ярим минг АҚШ доллари ҳамда яна тўрт ярим миллион сўм пулини олади. Аммо Н.Воҳидова бу кимсаларни шундан сўнг излаб тополмайди.

Таассуфки, бу уч "шоввоз"нинг қилмишлари шу билан тугамайди. "Ҳокимиятда ишлаши"ни рўкач қилиб, бошқаларни ишонтирган О.Бобоқулов ҳамда унинг шериклари фуқаролар Р.Холмуротов, Ҳ.Азимова, С.Ражабова, Ф.Раҳмонов, А.Қиёмова ва бошқаларга уй олиб беришни ваъда қилиб, уларнинг кўп миқдордаги пулларини ўзлаштириб юборади. Аммо шунча кишини алдаб пулини олган "учар"лар қонундан қочиб қутула олишмади.

Юқорида зикр этилган пленум қарорида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг бир-биридан фарқли томонлари, эътибор берадиган жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ҳам тушунтиришлар берилган. Масалан, 21-бандининг учинчи хатбошисида фирибгарлик жиноятини товламачиликдан ажратувчи белгилар шундай шарҳланади: "Товламачиликдан (ЖК 165-моддаси) фирибгарлик шу билан фарқланадики, товламачиликда жабрланувчиларнинг эрки синдирилган бўлади ва у қўрқув таъсири остида ҳаракат қилади, фирибгарликда эса алдов натижасида жабрланувчининг эрки янглишади".

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг Апелляция судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Пешку тумани судининг 2008 йил 24 апрелда чиқарган ҳукмига кўра Б.Бақоевнинг қилмишини Жиноят Кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, Б.Бақоев фуқаролар Т.Жўраев ҳамда А.Наимовнинг қўл телефонларини олиб, қайтариб бермай кўздан ғойиб бўлган. Жабрланувчиларнинг кўрсатма беришларича, Б.Бақоев "Телефонингни бериб тур, мусиқа кўчираман", деган сўзларни айтиб телефонларни қўлига олган ва аппарат эгасининг кўзини шамғалат қилганча қочиб кетган. Бинобарин, жиноятчи жабрланувчиларнинг эркини синдирган ҳолда таҳдид қилмаган, балки уларнинг ишончига кирган, телефон эгалари ҳам Б.Бақоевнинг алдаб кетишига ишонишмаган, шу боис ҳам телефонларини унинг қўлига ишониб топширишган.

Мавжуд далилларга таянган ҳолда жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг Апелляция судлов ҳайъати судланувчи Б.Бақоевнинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" бандига асосан қайта квалификация қилиб, Пешку тумани прокурорининг протести ҳамда Б.Бақоевнинг апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топди.

Халқимизда "Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр", деган киноя нақл бор. Текинхўр, ёлғончи кимсалар оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юришга одатланиб, қандай қилиб бўлса-да бировларни чув тушириш орқали пул топишни исташади. Ҳолбуки, шаҳар бедарвоза эмас! Қилмишга яраша жазо аниқ. Аммо О.Бобоқулов ва унинг шериклари, Б.Бақоевга ўхшаш кишиларнинг ақллари буни ўз вақтида англаб етмади. Натижада пешона тери билан топилмаган бойлик уларга ғурбат олиб келди.

Абдулазиз ЮЛДАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди раиси.

ОДАМ САВДОСИ

Марғилон шаҳрида яшовчи ёши қирқни қоралаб қолган Маъмура Мадаминова ўтган йилнинг бошларида Россиянинг Тула шаҳрига бориб, ўша ерда асли сурхондарёлик бўлган Баҳром Хурсанов деган киши билан никоҳсиз турмуш кечира бошлайди.

Ўзгалар кулфати эвазига бойимоқчи бўлганлар

Дабдурустдан улар мўмайгина даромад орттириш пайига тушиб қолишади. Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят "эр-хотин" ўзбекистонлик соддадил ва қишлоқи йигитларни алдов йўли билан Тулага олиб келиш ва уларни рус корчалонларига қулликка сотиш режасини тузадилар.

Кўп ўтмай Маъмура Мадаминова Марғилон шаҳрига қайтиб келади, ён-атрофдан ўлжа қидира бошлайди. Туладаги қурилиш ишлари учун серғайрат ва бақувват ёшлар жудаям зарурлигини айтиб, ҳатто йўл пулини ҳам ўзи тўлашини, манзилга етиб бориб ишга жойлашганларидан кейин ҳисоб-китоб қилинишини айтади. Фирибгар аёл иш ҳақи 400 АҚШ доллари миқдорида эканини, ҳатто яхши ишлаганлар 2000-3000 доллардан топиши ҳам мумкинлигини айтиб қасам ичгач, қўшни Тошлоқ туманининг Турват қишлоғидан 11 нафар фуқаро унинг тузоғига осонгина илинади.

Маъмур Қорабоев, Авазбек Ибрагимов, Каримжон Жўрабоев, Рўзимуҳаммад Неъматов, Жамолиддин Ҳожиматов, Отабек Шокаримов, Аброр Масобиров, Расул Турдиев, Ҳусниддин Каримов, Умид Неъматов ва Нурилла Турғунов каби ҳали етарли ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган бу ғўр йигитларни Тулада Маъмуранинг ноқонуний эри — Россия фуқароси Баҳром Хурсанов қарши олади ва дарҳол паспортларни йиғиштириб, корчалонлар қўлига тутқазади....

Шундай қилиб, 11 нафар ўзбек йигитлари эрксизликка, жабру ситамларга маҳкум этилди. Улар 10 ой давомида зиндонда, қулликда яшагандек яшадилар. Не-не оч-лиг-у хўрликни, хорлик ва заҳматларни кўришмади, дейсиз. Ана шу ўн ой ичида уларга сариқ чақа ҳам беришмади. Еган-ичганлари карам шўрва-ю, сули бўтқаси бўлди. Лекин кеча-ю-кундуз зўр бериб ишлатишди. Маъмура билан Баҳром эса бошқа қораларини кўрсатишмади. Йигитлар амалтақал қилиб ўз она юртларига етиб келишди.

Улар бугун ўз уйларида соғ-омон яшашаяпти, тирикчилик учун етарли пул топиб, ҳузур-ҳаловатда, эмин-эркин ишламоқдалар.

Жиноят эса жазосиз қолмайди. Маъмура Мадаминова қўлга олиниб, туман суди томонидан 5 йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Зулфия ИСҲОҚОВА,
Фарғона вилоят, Тошлоқ тумани ИИБ тергов бўлинмасининг катта терговчиси, милиция майори.

Таҳририятга хатлар

Иш ҳақимизни ололмаяпмиз

Таҳририятимизга Мирзачўл тумани Гагарин шаҳридан иккита шикоят аризаси келди. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам бир гуруҳ ҳайдовчилар ўзларининг иш ҳақларини ололмаётганидан шикоят қилишган. Бундан ташқари Самарқанд вилояти Қўшработ туманидан опа-сингиллар Жамила ва Комила Ибрагимовалар ҳам ҳуқуқий кўмакка муҳтожлиги ҳақида ёзишган.

Таҳририят ушбу хатларни маълум қисқартиришлар билан эълон қилиш билан бирга, ана шу арзларга Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги ҳуқуқ-тартибот идоралари бефарқ бўлишмас деб ўйлайди.

Биз "Прокофьев транс" ҳайдовчилари ўтган йилнинг 20 ноябридан жорий йилнинг биринчи июнига қадар "Ержар" ва "Дўстлик" пахта тозалаш корхоналарига шартнома асосида "Пахтазор" пахта қабул қилиш шохобчасидан юкни ташиб бергандик. Аммо пешона тери билан ишлаб топган ҳалол иш ҳақимизни ҳанузгача ололганимиз йўқ. Иккала корхона ҳам турли хил важ-карсонлар кўрсатиб бизни алдашдан чарчамаяпти. Нима қилишни, кимга мурожаат этишни билмай бошимиз қотган.

Е.МОЛДАБЕКОВ,
А.ЭРМАТОВ

* * *

Жорий йилги ғалла ўрими мавсумида деҳқонлар, қўйингги, фермер-у ўрим-йиғимга масъул бўлганларнинг барчасининг оғирини енгил қилиш учун биз хусусий "Дамас" ҳайдовчилари ҳам отряд тузиб сафарбар этилдик. Вилоят раҳбарлари кўрсатган хизматимиз ҳақини донни қайта ишлаш корхоналаридан олишимизни айтганди. Шартнома ҳам тузганмиз. Биз унда кўрсатилган бандларни тўлиқ адо этдик. Ўрим ишлари ниҳоясига етганига ҳам анча бўлди. Аммо ҳанузгача иш ҳақимизни ололмай қийналиб кетдик. Мутасаддилар минг хил ваъдалар билан ҳақ тўлашни ортга суришмоқда.

Р.АБДУКАРИМОВ,
О.ТОШБОЕВ
Мирзачўл тумани.

Алиментни қачон тўлайди?

Биз опа-сингиллар 2005 йили Қўшработ туманининг "Жўш" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Шодмон Мусурмоновлар хонадонига келин бўлиб тушдик. Ҳаётимиз ширингина эди. Иккимиз ҳам фарзандли бўлдик. 2007 йилнинг баҳори эди. Кутилмаганда Комиланинг турмуш ўртоғи Акрам Мусурмоновни қариндоши Муҳаммад Мусурмонов Россияга ишлагани олиб кетди. Сал кейинроқ иккинчимизнинг турмуш ўртоғимиз Абдуҳаким Мусурмонов ҳам уларнинг изидан жўнади.

Ўша пайтлари биз опа-сингиллар қайнона ва қайноталаримиз билан бирга, бир ҳовлида турар эдик. Аммо негадир улар турли йўллар билан бизни ҳайдаб чиқармоқчи бўлишди. Аввалига фарзандларимиз бўлгани учун ҳам уйдан кетмаслигимизни айтдик. Эрларимиз у ёқларда юргани учун қайнота-қайнонамиз урса ҳам, сўкса ҳам чидадик. Ахийри хўрликларга чидолмай, Оқмачит қишлоғида яшовчи отамиз Раҳим Ибрагимовнинг уйига кетишга мажбур бўлдик.

Мана, 2 йилдан ошибдики, эрларимиз биздан хабар олишмайди. Оиламиз катта, ҳар куни 12 киши учун қозон қайнайди. Отамиз оилаларимиз бузилиб кетмаслиги учун МФЙ раисига, туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитасига кўмак сўраб борди. Натижа бўлмади.

Шундан сўнг ажрашиш учун фуқаролик судига мурожаат этдик. Суд қарори чиқарилиб, ижро департаментига жўнатилди. Суд ижрочилари ўзларининг 2009 йил 13 майдаги қарорига асосан Акрам Мусурмоновга нисбатан қидирув эълон қилди. Абдуҳаким Мусурмонов эса аллақачон уйга қайтиб келган бўлса ҳам алимент тўлашни орқага суриб келмоқда. Туман прокуратурасига Муҳаммад Мусурмонов устидан ҳам шикоят аризаси ёздик. Чунки у Акрам Мусурмоновни Россияга олиб кетмаганида, балки оилаларимиз сақлаб қолинармиди? Нима қилишни билмай бошимиз қотган. Боз устига "Қўштамғали" МФЙ раиси Амир Мирзонов ҳам фарзандларимизга давлат томонидан 2 ёшгача тўланадиган нафақа пулини беришдан бош тортмоқда.

Жамила ва Комила ИБРАГИМОВАлар
Қўшработ тумани Оқмачит қишлоғи.

ҲАҚ ҚАРОР ТОПИШИГА ИШОНАМАН

Муштарийларимизнинг ёдида бўлса керак, газетамизнинг 2009 йил 12 август сонида адвокат Б.Кунбуттаевнинг "Суднинг бир-бирига зид икки қарори..." деб номланган мақоласи эълон қилинган эди.

Унда фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида фуқаро В.Кайдановичнинг "Марсен" ва "Лолита" хусусий фирмалари ҳамда "Бекободцемент" акциядорлик жамиятига нисбатан кўриб чиқилган даъвоси ҳақида сўз юритилганди.

Яқинда таҳририятимизга ана шу мақола юзасидан фуқаро В.Кайданович номидан эътирознома-хат келди. Хатда аниқ фактлар келтирилган ва Б.Кунбуттаевнинг мақоласида ёзган барча эътирозлари ва даъволари асоссиз эканлиги айтилмоқда. Шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, таҳририят бир томоннинг тарафини ёки манфаатини ёқлашдан мутлақо йироқ. Хулосани одил судлов айтишига шубҳа йўқ. Шу маънода қуйида В.Кайдановичнинг мактуби ҳам эълон қилинмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, мақола ўзи ёзаётган суд ишида бирор марта иштирок этмаган адвокат Б. Кунбуттаев томонидан ёзилган. Мен ва "Марсен" хусусий фирмаси ўртасида уч йилдан буён давом этаётган суд жараёнида бир кун ҳам иштирок этмаган одам қандай қилиб менинг ҳаракатим ва суд жараёнига баҳо бериши мумкин?

Қолаверса, таҳририят томонидан муаллифга ишонувчанлик мақоланинг бир томонлама бўлиб чоп этилишига хизмат қилган, деб ҳисоблайман.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорини ҳуқуқий билимга эга бўлган адвокат танқид қилишини ва ноқонуний деб баҳолашини эса тушуна олмадим. Амалдаги қонунларга биноан суд қарорини юқори инстанция судларгина ноқонуний деб топиши мумкин. Адвокат Б. Кунбуттаев буни била туриб, ёлғон мақола чиқариш билан қандай мақсадни кўзлаган экан?

Б.Кунбуттаевнинг «Менинг ҳисобимга бир томонлама ва хато қарор чиқарди», дея судья Ш.Аҳатовани ерга уришга интилиши қонун эгаларига нисбатан адвокатнинг ҳурматсизлиги деб ҳисоблайман. Шуниси қизиққи, Кунбуттаев ушбу қарорни ўзгаришсиз қолдирган шаҳар ва Олий суд судьялари ҳақида ҳеч нарса демайди. Нима учундир адвокат шаҳар ва Олий суд судьяларига эътироз билдирмайди ва уларни непрофессионалликда айбламайди-да, ёш судья Ш.Аҳатовани беҳурмат қилмоқчи бўлади.

Адвокат Б.Кунбуттаев нафақафат мазкур ишнинг ҳолатини, балки амалдаги қонунларимизда белгилаб қўйилган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни ҳам билмайдиган кўринади. Мазкур мақолада билиб ёки билмай нима ёзилган бўлсада, қисқача айтганда, ҳаммаси ҳақиқатга зид, бошқача айтсак, бўҳтондан бошқа нарса эмас.

Мақола муаллифининг фикрича, мен жисмоний шахс бўлганим учун биринчи инстанция суд менинг шикоятимни қонунга зид равишда қабул қилган эмиш. Унинг айтишича, вагонлар ҳақидаги мазкур баҳс "Лолита", "Марсен" ва "Бекободцемент" ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий иш бўлиб, менинг унга ҳеч қандай алоқам йўқ эмиш. Шуни айтишим лозимки, мен 29,5 фоизлик улушга эгаман ва шу сабаб "ОВЭ ЖДПВЭ" очиқ акциядорлик жамиятининг таъсисчиларидан бири ҳисобланаман. Шунингдек, 40 та думпкар-вагоннинг эгасиман. Биз 2001 йили вақтинча фойдаланиш учун "Темир-Тасма" ДПга 136 та думпкар-вагон берган эдик. Аммо 2002 йили "Темир-Тасма" ДП директори А.А.Шумагков мендан сўрамасдан вагонларимнинг ҳар бирини кулгили нархда, яъни 100 000 сўмдан (!) таъсисчиси М.А.Лабашева, директори эса акаси Н.А.Лабашев бўлган "Лолита" ХФга сотиб юборади. Кейин эса "Лолита" директори Н.А.Лабашев юқоридаги вагонларни қонунга зид равишда М.А.Лабашева директорлик қилаётган "Марсен" ХФга сотади. Сўнг бу вагонларнинг бир қисми "Бекободцемент"га сотилади, бир қисми ижарага берилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу далил бўйича 2007 йилнинг 9 август куни Миробод туман прокуратураси томонидан Ўз. Рес. ЖК. 167-моддаси бўйича А.А.Шумагков, М.А.Лабашева ва Н.А.Лабашевга нисбатан, айнан менинг вагонларимни ўзлаштириш факти бўйича жиноий иш қўзғатилган. Шундай экан, менинг фуқаролик судига жисмоний шахс — "ОВЭ ЖДПВЭ" очиқ акциядорлик жамияти таъсисчиларидан бири сифатидаги мурожаатим бутунлай асосли ва фуқаролик суди менинг аризамни қабул қилмасликка ҳаққи йўқ эди. Шу билан бирга, мен жисмоний шахс сифатида Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмасман, адвокат Кунбуттаев эса ўз мақоласида шуни талаб қилади. Яна шуни қайд этиш лозимки, амалдаги қонунларга биноан фуқаролик суди жараёнида ҳар бир томон ўзига ўзи далил топиши керак. "Лолита" ХФ ҳам, "Марсен" ХФ ҳам, "Бекободцемент" АЖ ҳам менинг вагонларимдан фойдаланмаётганини исботлай олмади. Аксинча, суднинг сўровига биноан "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК мазкур вагонлар мени эканини тан олди.

Мақолада айтилишича, 2006 йилнинг 14 июнида менинг "ОВЭ ЖДВПЭ" ОАЖга бўлган даъвом рад этилган. Энг қизиғи, муаллиф нима учун рад этилганини ёзмайди, чунки бу уни қониқтирмайди. Ахир, рад этишга сабаб ушбу қарорнинг 16-қисмига биноан менинг улушимнинг "ОВЭ ЖДВПЭ" ОАЖ балансига тўғри келмагани, шунингдек, суд жараёнида менинг вагонларим аллақачон "ОВЭ ЖДВПЭ" ОАЖ балансида ёки вақтинчалик бизнинг "Темир-Тасма" шўъба корхонамизнинг тасарруфида эмас, балки ака-сингил Лабашевларнинг "Лолита" ва "Марсен" хусусий фирмалари томонидан ўғирланганида эди.

Мақолада, шунингдек, «Кайданович даъвогар бўлиши мумкин эмасди, чунки даъво муддати ўтиб кетганди. Лекин суд бунга эътибор бермади», дейилади. Аммо Ўзб. Рес. ЖК. 154- моддаси 2-қисмида: **мажбурият бўйича бажариш муддатининг вақтини аниқлаш даъво муддатини бажариш муддати тугагандан сўнг бошланади,** дейилган. Жиноий ишдан кўриниб турибдики, ака-сингил Лабашевларнинг "Лолита" ва "Марсен" хусусий фирмалари томонидан қонунга зид равишда, юқорида айтганимдек, кулгили баҳода, яъни ҳар бир вагон 100 000 сўмдан сотиб олинган бўлса-да, улар 2006 йилгача, ушбу иш бўйича текширув бошлангунча "ОВЭ ЖДВПЭ" ОАЖ ва "Темир-Тасма" ДП билан охиригача ҳисоб-китоб қилмаган эди.

Мақолада муаллиф "Марсен" хусусий фирмаси менинг вагонларим учун барча солиқларни ўз вақтида тўлаб турганини мақтайди ва суд унга катта зарар етказганини таъкидлайди ва битта даъво бўйича иккита бир-бирига зид қарор қабул қилинганини айтади. Бу билан у ҳаммани чалғитмоқчи бўлади ҳамда атайин икки қарорнинг ҳам хулоса қисмини келтирмайди. Биз "Темир-Тасма" ДП, "Лолита" ва "Марсен" хусусий фирмаларига нисбатан даъво ариза билан чиққан эдик. Биринчи қарорда вагонларни тўғридан-тўғри "Темир-Тасма" ДП, "Лолита" ва "Марсен" хусусий фирмаларидан қайтариш мумкин эмаслиги, бу иш Ҳамза тумани ҳокимлиги қошидаги Тугатиш комиссияси орқали амалга ошириш кераклиги айтилган. Шундан сўнг биз вагонларимизни қайтариб олиш учун Тугатиш комиссиясига нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилдик. Иккинчи қарорнинг хулоса қисмида Ҳамза туман ҳокимияти қошидаги Тугатиш комиссияси қачон ва қайси вагонларни бизга қайтариши кўрсатилган. Бу ерда ҳеч қандай бир-бирини инкор этадиган қарор йўқ.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқ ҳамда маърузаларида Конституция ва қонун олдида барча баробар эканини, биз демократик-ҳуқуқий давлат қураётганимизни кўп бора таъкидлайди. Аммо Кунбуттаевга ўхшаган адвокатлар қонунларимизга зид иш қилиб, матбуотда қонунни ҳурмат қилувчи инсонларга нисбатан бўҳтонлар тарқатишга уринмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам "мевали дарахтга тош отилади" деганларидек, бу нохолис ёзилган мақола билан ҳақиқатга соя солиб бўлмайди. Адолат, ҳақ қарор топиб, одил судлов ўз сўзини айтишига ишонаман.

В.КАЙДАНОВИЧ,
Тошкент шаҳри, Қўйлиқ мавзеси.

ҚИЛМИШ

Департаментнинг сохта ходимлари

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган навбатдаги қисқа муддатли рейд анчагина "қизиқарли" бўлди. Сабаби жиноят содир этаётганлар ҳам ўзларини "департамент ходимларимиз" деб таништиришган экан.

Тошкент шаҳрида фаолият олиб борувчи "Меҳрибон" (мақоладаги барча исм-шарифлар ва номлар ўзгартирилган) хусусий фирмаси раҳбари С.Ҳошимов ва мазкур фирмага қарашли заргарлик дўкони сотувчиси У.Ориповаларнинг аризалари юзасидан жорий йилнинг 1 августида тезкор тадбир ўтказилди. Унда 2007-2008 йилларда ушбу фирмада сотувчи бўлиб ишлаган ва дўкон сотувчиларининг фаолияти ҳамда имкониятларидан тўла хабардор бўлган фуқаро А.Нурматов ҳеч қаерда ишламайдиган У.Самадов билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда зўравонлик ва товламачилик йўли билан ўзганинг мулкига тажовуз қилишган.

Ўзларини "Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ходимлари" деб таништирган, аслида эса ҳеч қаерда ишламайдиган товламачилар "текширув ўтказмаслик" эвазига 6000 АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилишади. Келишилган кунда фирма дўконига келган "текширувчилар" сотувчи У.Ориповадан ишлов берилган 6000 АҚШ долларини санаб олган пайтида қўлга олинди.

Жирканч қилмиши туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари номига доғ туширмоқчи бўлган қаллоблар жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра айбдор деб топилиб, айни пайтда суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бегзод САЛИМЖОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Тошкент шаҳар бошқармаси СОЖАБЭОО бўлими катта инспектори.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

“Газетани қишда — иш камлигида чиқарса бўлмайдими?”

(Бошланиши 1-бетда.)

— Журналистикасиз дейман, жон куйдириб [illegible]?— деб гапнинг аралашиб сўраган харидор. Таажжубландан бош силкидим.

— Журналист бўлсангиз ўқийдиган нарса [illegible], менда газетанинг бундай сарғайиб [illegible].

У киши сотувчининг қўлига яна пул берди-да, бир тахлам вилоятда чоп этиладиган газеталардан олиб кетди.

Назаримда харидор [illegible]. Негаки, агар газета саҳифаларида [illegible] чуқур таҳлилий мақолалар чоп этилганида, у ҳеч қачон дўконларда қолмасди, деб ўйлайман. Мисол учун бир гал Юртбошимизнинг Андижонга ташрифлари [illegible] "Андижоннома" газетасида [illegible]. Газетанинг ўша сони газета дўконларида [illegible] "тадбиркор"лар ҳатто битта газетани 5-6 баравар қимматига пуллашганини ҳам [illegible]. Ўзимиз таҳририятда ишлаётганимиз [illegible] маънавияти саёз, деган иддаодан бирор чекинган ҳолда "Хўш, биз одамларга нима бера оляпмиз?" деган саволни ўз-ўзимизга берсак тўғри бўлар эди. Кўпинча ходимлар бош муҳаррирнинг кўрсатмаси ёки топшириқ

беришини кулиб ўтиришади. Аксарият ҳолларда тадбир, семинар ва йиғилишлар ҳақида оддийгина ахборот бериш билан чекланишади. Аслида бундай ахборотлар ўша йиғинни ўтказган ташкилотнинг ҳисоботи учун кераклигини айтмаганда, бошқалар учун бунинг аҳамияти йўқ.

Газета вилоят ҳокимлигида ўтган танқидий йиғилишлардан сўнг бош муҳаррирнинг кўрсатмаси асосида чиқишлар қилинаётгани эътиборга олинмаса, журналистларнинг [illegible]. Кўп ҳолларда эса ижодкорлар ойлик маошига қўшимча даромад топиш учун катта-катта ҳисобот мақолалар тайёрлаш ёки реклама-эълонлар териб, шартнома тузиш билан ҳалак. Оқибатда газета саҳифаларининг салмоқли қисми оддий газетхон учун кўпам фойдали бўлмаган тижорат мақолалари билан тўлдирилади. Шу боис ҳам энди айрим нашрларга бир марта кўз ташлашнинг ўзидаёқ қандай мақола чоп қилинганини айтиб бериш мумкин.

Бундан ташқари, айрим таҳририятларда журналистика мактабини кўрмаган, соҳага ҳавас қилганлар сафи ортиб бораяпти. [illegible] мутлақо йироқ кишилар ҳам "жавлон уриб" юришибди. Шунинг учун нашрларда енгил-елпи мақолалар кўпайиб бораяпти. Бу эса газетхон дидини ўстириш ўрнига, унинг аксини бўлиб хизмат қилаяпти. Қолаверса, бун-

дан йигирма-ўттиз йил олдин университетда олинган билимлар бугунги кунда тўла асқотади, деган тушунча ҳам мутлақо нотўғри назаримда. Бунинг учун журналистларнинг малакасини ошириш, замонавий техника воситаларидан имкони борича кенгроқ фойдаланиш масалалари қамраб олинган ўқув курслари ташкил қилиш фойдадан холи бўлмасди. Тўғри, айрим нуфузли идоралар томонидан бундай тадбирлар амалга оширилаяпти. Лекин бир-икки кунлик тренинглар эмас, балки чуқур ўқув дастурлари асосидаги курслар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"Воқеликни борлигича ёзиш керак" номли мақолада республика нашрларида ишлаётган журналистлар фаолиятидаги баъзи камчиликлар [illegible] даги муаммоларни бор ҳолича ёритаяпти дейиш қийин. Туман газеталарига келсак, уларнинг ҳаммасида ҳам ўз соҳасининг фидойилари меҳнат қилаяпти, дейиш қийин. Қолаверса, туман нашрлари ходимларининг ҳудуддаги муаммо ва кам-

чиликларни ёритиб беролмаётганининг сабаби, энг аввало моддий шарт-шароитга бориб тақалади деб ўйлайман. Масалан, газета ходими қўлида шартнома билан бирор ташкилотга боради-да: "Таҳририятга фалон миқдорда пул ўтказиб берсангиз, фаолиятингизни кенг ёритиб берамиз" тарзида иш тутади.



Шундай бўлгач, корхона ишидаги айрим камчиликларни танқид қилишга табиийки, журъати етмайди. Шу билан бирга, "Одамнинг юзи иссиқ", деганларидек, ҳар йили бир неча юз дона обуна уюштириб бераётган ташкилот ёки корхонани қайси туман газети танқид қилиши мумкин?

Яна туман газетаси ҳақида сўз борар экан, бир ҳолга [illegible] дан Олтинкўл туманига [illegible] шишим керак эдим. Менга газета ҳалигача эски усулда чоп қилинаётгани учун у кишига бундан буён таҳририятни замонавий компьютерлар билан таъминлаш зарурлигини айтиш вазифаси топширилганди. Ҳоким гапларимни тинглагач, "Хўш, компьютер олиб берсак, газетани шу компьютерда босаверадими?" деди. Мен ҳоким қабулидан чиққанимдан кейин, туман газетаси муҳарририга бўлиб ўтган суҳбатни айтдим. У эса истеҳзоли кулиб шундай деди: "Тунов куни обуна масаласида ҳокимимизнинг қабулида бўлган эдим. "Нимага иш кўплигида бошимни қотирасиз? Газетани қишда — иш камлигида чиқариб олиб, кейин йил бўйи тарқатаверсангиз бўлмайдими?" деди.

"Бу ҳангомани эшитиб кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайсан киши. Ахир, бутун бир туман ҳокимининг ўз муассислигидаги газетага, қолаверса маънавиятга муносабати шундай бўлса, нима ҳам дейиш мумкин? Аслида газета ҳокимга энг яқин ёрдамчи, [illegible] бўлиб, тумандаги ютуқ ва муаммоларни кўрсатувчи кўзгу бўлиши керак эмасми?

Шу ўринда Юртбошимизнинг шу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида айтган қуйидаги фикрини келтириб ўтишни жоиз, деб ўйлайман:

"Хизмат вазифасини ўзига умрбод мерос қилиб берилгандек тушунадиган, амал гўёки менга савлат, ақл бағишлайди, буйруқбозлик қилиш учун асос беради, деб ўйлайдиган ва шундай иш тутадиган мансабдорлар ҳам, афсуски, бугун оз эмас.

Савол туғилади: мана шундай раҳбарларни фош қиладиган, кўзини очиб қўядиган, лўнда қилиб айтганда, уларни қулоғидан тортиб офтобга чиқарадиган ким бўлиши керак?

Албатта, қонун, жамоатчилигимиз, тегишли идоралар, лекин бу борада энг таъсирчан куч — бу матбуот, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".

Ҳа, дарҳақиқат, матбуот энг холис минбардир. У ҳақ гапни айтиши, ошкораликни таъминлашга хизмат қилиши керак. Бунда албатта, журналист маҳорати, жасорати ҳам талаб этилади.

Дарвоқе, яна Олтинкўл туман ҳокимлигининг "Олтинкўл" газетаси ҳақида: яқинда ушбу газетада оддий мухбир бўлиб хизмат қилаётган Мушаррафхон Охунова деган журналистни учратиб қолдим. Афсуски, ҳамкасбимнинг ҳасратидан чанг чиқарди. Унинг айтишича, таҳририят ходимлари шу йил май ойидан буён ҳатто ойлик маошларини ҳам ололмаётган экан. Газета биноси эса қайсидир бир тадбиркорга сотиб юборилгани боис, таҳририят ҳеч қандай шарт-шароитга эга бўлмаган туман почта бўлимига қарашли бинонинг учинчи қаватига жойлашибди. "Муассисимиз — туман ҳокимлигининг биз билан иши йўқ бўлгач, нима ҳам қилардик?", — дейди ҳамкасбим.

Феруза МИРЗАОЛИМОВА,
журналист.
Андижон вилояти

СУҲБАТ

КИТОБ — ИНСОН РУҲИНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ

— дейди таниқли адабиётшунос олим Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Дўсти кўп одамнинг қаноти қайрилмайди, дейишади. Аммо дўстлар ҳам ҳар хил бўлади. Кимдир мол дўст, кимдир жон дўст. Аммо инсон учун шундай содиқ дўст борки, у китобдир. Дарҳақиқат, китоб билан ошно тутинган одам ҳаётда кам бўлмайди, маънавияти юксак бўлади.

Биз адабиётшунос олим Узоқ Жўрақулов билан китоб мутолааси, унинг инсон ҳаётида тутган ўрни, [illegible], бугунги китобхонлик даражаси ҳақида суҳбатлашдик.

— Домла, кимдир зерикмаслик учун, яна бирор илм ўрганиш ёки шунчаки қизиқиш туфайли китоб ўқийди. Сиз нима учун мутолаа қиласиз?

— Бугун "Ахборот олишнинг манбалари кўпайиб кетгани сабаб информацияга бўлган эҳтиёжни қондириш осонлашди. Оқибатда ҳеч ким мутолаа билан шуғулланмай қўйди", деб ўйлайдиган кишилар кўпчиликни ташкил қилади. Аммо инсоннинг китобга бўлган эҳтиёжи буткул бошқа нарса. Аслида одам санъатни уч асос — кўриш, эшитиш ва ўқиш орқали қабул қилади. Санъатни кўриш ёки эшитиш орқали қабул қилган одам ижод қилмайди. У тайёр нарсани шундайлигича ўзига сингдиради. Китоб ўқиган киши эса ижод қилади. Шу маънода инсонда қачон ижод қилиш кайфияти пайдо бўлса, унда китоб ўқишга ҳам эҳтиёж туғилади. Шунинг учун одамларни китоб ўқимаяпти, деб айблаш ҳам, бундан қўрқиш ҳам керак эмас. "Яхши китоблар яратилмаяпти, агар классик асарлар ёзилса, китобхонлар кўпаярди. Миллатнинг савияси ошарди", деган фикрга ҳам унчалик қўшилмайман. Чунки ҳар бир миллатнинг ижодий кайфият даври бўлади. Масалан, битта одамнинг бир кунлик кайфиятини олиб кўрайлик. У йигирма тўрт соат ичида бир неча хил кайфиятда юради, ишлайди, яшайди. Шундай пайтлар бўладики, одамнинг доим мева егиси келади, гоҳида фақат нон истеъмол қилишни истайди ёки ким биландир жанжаллашишни, кимгадир яхшилик қилишни хоҳлайди. Бу — зоҳирий майллар. Китоб инсон руҳини озиқлантиради.

Кишида ижодий кайфият доим ҳам туғилавермайди. Масалан, ўтган асрнинг йигирманчи йилларида кўпчилик Абдулла Қодирийнинг асарларини ёддан билган. Бу, албатта, техниканинг ва интернетнинг йўқлиги билан боғлиқ эмас. Тўғри, улар ҳам китоб ўқимаётганига қисман сабаб бўлаётгандир. Лекин болага ўзга аёл она бўлолмаганидек, китобнинг ўрнини бошқа нарса босолмайди.

— Дарсга келмаган талабаларингизга жазо сифатида жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб келишни буюрасиз. Сизнингча, [illegible] ҳар бир инсон қайси китобларни мутолаа қилган бўлиши шарт?

— Бояд айтганимдай, одамни китоб ўқишга мажбурлаш мутолаани оммалаштиришда омил бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон асос бўлолмайди. Негаки, барибир унда ижодий кайфият бўлиши керак. Ижодий кайфиятни эса тор маънода тушунмаслик зарур. Бу илоҳий бир жараён. Айтайлик, катта бир дарёдаги сувни битта одам тўсишга ҳаракат қилаяпти. Табиийки, у дарёнинг жуда оз қисмини тамбалайди. Бу билан дарёга катта таъсир кўрсатиб бўлмаслигини айтмоқчиман. Шу маънода адабиётда катта-катта оқимлар, воқеликлар бўлади. Уларни бир кишининг саъй-ҳаракатлари билан ўзгартириш, бошқа томонга буриб юбориш мумкин эмас. Лекин жадидлар даври, ундан олдинроқ эса маърифатчилар даврида гўёки уларнинг ҳаракати туфайли миллатнинг ҳаётида ўзгаришлар бўлди, дейишади. Аслида бу жараён қандай содир бўлганини, миллат ҳаётида қандай из қолдирганини тўлиқ билмаймиз. Агар бир ижодкор миллатда бирор адабий оқим пайдо бўлган пайтда туғилса, у даҳо бўлиши мумкин. Акс ҳолда мингта даҳо туғилаверсин, улар оддий инсонлар қатори ҳаёт кечириб, ажали етганда дунёдан ўтиб кетаверади.

— Бошланғич синфда ўқиётганимизда синфимиздаги кўпчилик ўқувчилар эртак китобларни севиб ўқирди. Аммо йиллар ўтгани сари улар орасида китоб мутолааси билан шуғулланувчилар жуда камайиб кетди. Тушунишимча сиз ҳозир айтганингиздек ёшлигимизда бизда ижодий кайфият бўлган. Лекин бу ҳолат ҳаммамизда бир умр сақланиб қолмади-ку?!

— Бу ерда гап бутун миллатнинг ҳамма қатлами ҳақида кетмаяпти. Адабиёт ҳеч қачон кўпчилик томонидан бир хил ўқилмаган ё ҳамма ўқиши ҳам шарт бўлмаган. Нега оммавий тарзда китоблар мутолаа қилиниши керак?! Агар бирор асар яратилса, уни ҳамма ўқиши керакми?! Агар бошланғич синфда ҳамма эртак китобларни ўқиб, ҳозир улар мутолаа билан шуғулланмаётган бўлса ва ўша ўқимаётган болалар тўқсон беш фоизни ташкил этса, бу — табиий ҳодиса. Миллатга нисбатан ҳам шу гапни айтиш мумкин. Китобхонлик даражасини ҳам шундай баҳолаш керак.

— Аммо сизни талабаларни мажбурлаб китоб ўқитади, дейишади-ку...

— Бу тамоман бошқа нарса. Университетларда таҳсил олаётган талабалар миллатнинг нисбатан кам қисмини ташкил этади. Ўз ўрнида улар маънавий юкли одамлар ҳисобланади.

Талабалар жамиятнинг энг олди қисми бўлади. Шунинг учун уларни мажбурлаб китоб ўқитаман. Аммо яна бир нарса бор. Айтайлик, деҳқоннинг ўнта фарзанди бор. У ҳар куни қўлига таёқ олиб, болаларини мажбурлаб ўқитсин, барибир фойдасиз. Фарзандлари орасидан чиқса битта адабиётга қизиқадигани чиқади. Ёки умуман чиқмаслиги ҳам мумкин. Чунки болалар ҳеч нарсани тушунмайди, улар шунчаки отасидан қўрққани учун китобга термулиб ўтиради. Бу билан уларда адабиётга ҳурмат, қизиқиш уйғотиш қийин.

— Бугун жаҳон адабиёти, хоҳ ўзбек адабиёти мисолида кўринг, жуда кўплаб асарлар яратилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Шунингдек, бисёргача яратилган кўплаб асарлар ҳам бор. Бир қарашда бу ижобий ҳол. Аммо баъзи китобларнинг кўпайиб кетиши ўқувчини чалғитади. Шундай экан, китобхон улар орасидан ноёб асарларни танлаб мутолаа қилиш учун нималарга аҳамият бериши керак?

— Бу масалада кўпчилик ҳақида гапириш қийин. Ўзим эса кайфиятимга қараб, руҳиятимга мос тушган китобларни ўқийман. Масалан, қўлингизга бирор китобни олдингиз дейлик. У ўқиладими ёки ўқилмайдими буни сиз ҳам, мингта-у, ҳатто тажриба, билим ва ёшингиз ҳам ҳал қилмайди. Чунки китоб мутолаасига нисбатан ақлдан ташқари бошқача бир муносабат бор.

(Давоми 6-бетда.)

ХОТИРА

СУРАТКАШЛАР СУЛОЛАСИ



Табиатан меҳнаткаш Абдусаттор ака Тошкент пойабзал фабрикасига ишга кирди ва фабрика қошидаги касб техникумида ҳам ўқий бошлади. Кунлардан бирида фабрикага мақола тайёрлаш учун келган "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетаси мухбири ҳаваскор ёш суратчининг қобилиятини, [illegible] кўриб, фабрика ҳаётидан билан суратларни газетага юбориб туришини маслаҳат берди.

Абдусаттор ака билан суҳбатлашатиб, фотомухбирлик касбини қандай танлагани ҳақида сўраганимда у киши ўша мухбирнинг маслаҳати ҳаётида катта роль ўйнаганини, шундан кейин фотожурналистикага қадам қўйганини ҳикоя қилиб берганди.

Ёшлар газетасида жамоатчи фотомухбир сифатида танила бошлаган Абдусаттор Тўраевни 1961 йилда "Ўзбекистон маданияти" (ҳозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати") газетасига ишга таклиф қилишади.

1969 йилда Абдусаттор ака ҳаётида қувончли воқеа юз беради. У кишини ўша пайтда республикамизда энг нуфузли бўлган "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига ишга таклиф қилишади. Абдусаттор ака бу ерда нафақага чиққунга қадар ҳалол хизмат қилди. Ҳатто нафақага чиққанида ҳам бу даргоҳни тарк этмади. Газетада хизмат қилар экан Абдусаттор ака халқимиз ҳаётининг энг қайноқ жойларида бўлиб, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг меҳнат жараёнини суратга олди. Маҳорат билан олган суратлари орқали нафақат газета таҳририяти ва ҳамкасблари ўртасида, балки газетхонлар орасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонди.

Таниқли фотожурналистнинг газеталарда эълон қилинган суратларини кўздан кечирсак, у киши қаҳрамонларни танлаш ва жойлаштиришда моҳирлик билан иш тутганининг, фон танлаш борасида жуда ўринли фойдаланганининг гувоҳи бўламиз. Ҳар қандай "кадр"ни фотоплёнкага муҳрлашда жонли тушириш у киши учун [illegible] эди.

Суҳбатларимизнинг бирида у киши: "Сен [illegible] йўл босиб, вақт сарфлаб, қолаверса, одамларнинг вақтини олиб, расмга тушириб келсанг-у, раҳбарларингдан масъул котиб турли хато топса, ретушчига иш топиб берсанг, [illegible], бундай сурат туширмаганинг маъқул", — деган фикрларни айтгани ёдимда.

Абдусаттор аканинг сурат олишдаги моҳирлиги, гоҳида ўзини унутиб жуда қийин вазиятлардан бўлса-да жонли табиий сурат олишга ҳаракат қилиши ҳақида ўйларканман, у киши билан узоқ йиллар бирга ишлаган ва ўша даврда газета бош муҳаррири бўлган Мақсуд Қориевнинг айтган бир гапи эсимга тушди.

"Биз бир гуруҳ республика газеталари ва журналлари муҳаррирлари республиканинг катта раҳбарларидан бирининг туғилган куни билан табриклаш учун ишхонасига борганда, Табрикдан сўнг у биргаликда расмга тушишни таклиф қилиб қолди. Мен ўзим билан олиб борган, қабулхонада кутиб ўтирган Абдусаттор Тўраевни дарров ичкарига таклиф қилдим. Ўшанда Абдусаттор ака турли нуқталардан, ҳатто хонадаги гиламга ётиб олиб суратга туширгани ўша раҳбарда катта таассурот қолдирди, шекилли, менга қараб, "Суратчингиз зўр экан, уни йўқотиб қўйманг" деган эди.

Бу фотомухбирнинг олган суратлари газетанинг кўрки бўлиб, [illegible] хизмат қилган. Бундай фидойи инсоннинг ижодини бошловчи [illegible] ҳар қанча ўрганса, арзийди".

Абдусаттор Тўраев ўзининг 30 йилдан ортиқ фаолияти давомида ўзига хос сулола яратди. Унинг йўлидан борган укаси Абдуқодир Тўраев ҳам таниқли журналистлардан бири эди. Ўғли Абдужаббор Тўраев эса ота касбини танлаб, "Қишлоқ ҳақиқати" (ҳозирги "Қишлоқ ҳаёти") газетасида фотомухбир сифатида фаолият олиб борган (уларнинг [illegible] бўлсин).

Кенжа ўғли Абдувоҳид Тўраев эса ҳозир Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Набираси Камолиддин Тўраев эса республика Мудофаа вазирлигининг "Ватанпарвар" газетаси фотомухбири. Албатта, мана шундай сулола — фотомухбирлар авлодининг етишиб чиқишида уларнинг қаронбошиси бўлган Абдусаттор ака Тўраевнинг ҳиссаси беқиёс.

"Мен отамдан фотомухбирлик [illegible] номаълум бўлган жуда кўп сирларини ўрганганман. Айниқса, суратга тушириш пайтида одамлар билан муомала қилиш, қаҳрамонлар билан гаплашганда ўзини қандай тутиши кераклигини отам ўргатган, — дея хотирлайди Абдувоҳид Тўраев. — У одамларни суратга тушираётганда имкон қадар содда, хушчақчақ бўлишга интиларди. Бу фазилатлар падари бузрукворимнинг олган суратларига ҳам кўчган эди. У киши ёлғон гапиришни, бировни алдашни жуда ёмон кўрарди. Кимни суратга туширса, албатта, у матбуотда эълон қилинарди, агар [illegible] учун суратга олган бўлса ҳам эринмасдан эгаларига олиб бориб берарди. Мана шу хислатлари билан отам ҳурмат-эътибор қозонган бўлса, ажабмас".

Яқинда таниқли журналист — "Халқ сўзи" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов билан Абдусаттор ака ҳақида суҳбатлашганимизда у ўз фикрларини қуйидагича ифодалади: "Ҳар соҳада ўз ишининг фидойилари бўлади. Абдусаттор Тўраев фотожурналистика соҳасига бутун ҳаётини бағишлаган эди. У киши ўзбек матбуотида фотожурналистика мактабини яратган йилларда ҳозиргидек мураккаб ускуналар, компьютер ёрдамида тезкор сурат чиқариш ҳақида тасаввур ҳам йўқ эди. Ҳамма жараён қўлда бажарилар, бунинг устига дорилар ҳиди анқиган қоп-қоронғи лабораторияда ишлаш [illegible] амалга ошириларди".

Ҳа, Абдусаттор ака ана шундай оғир шароитда меҳнат қилиб, ўзи фаолият кўрсатган таҳририятни ҳам, тасвирга олинганларни ҳам рози қилиб, катта ҳурмат-эътибор қозонганди.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Миллий банк: пластик карточкалар оммалашмоқда

Пластик карточкалар бугунги кунда юртимизда тобора оммалашиб бормоқда. Бундай замонавий тўлов воситаларини фуқароларимизнинг ёнида олиб юриши оддий ҳолга айланиб улгурди десак янглишмаймиз. Боиси эндиликда пластик карточкалар билан нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туманларда ҳам кўпгина соҳаларда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлиб қолди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими фаолиятида ҳам бугун кўзга яққол ташланиб турган ҳолат хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида ички ҳамда ташқи бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганидир. Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш ва мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумки, пластик карточкалар билан тўловларни амалга ошириш, яъни замонавий ҳамда мақбул бўлган ҳисоб-китоб қилишнинг мазкур усули мижоз учун энг ўнғай тўлов воситаси ҳисобланади. Шунингдек, бу нақд пулга бўлган эҳтиёжни ҳам сезиларли даражада камайтиради. Мазкур йўналишда, яъни пластик карточкаларни эмиссия қилиш борасида ҳам Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими ва унинг филиаллари самарали фаолият юритаётганини таъкидлаш ўринли. Жумладан, пластик карточкалар сони жорий йилнинг 1 август ҳолатига 112383 тани ташкил этмоқда. Пластик карточкалар учун савдо ва хизмат кўрсатувчи шохобчаларда ўрнатилган терминаллар миқдори эса 667 та бўлиб, улар узлуксиз ишлаб турибди. Мазкур йўналишда амалга оширилган пул айланмалари 23374,5 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ҳам ушбу соҳадаги иш ривожидан далолат беради. Айни пайтда пластик карточкалар асосида хизмат кўрсатиш учун Фарғона ва Қўқон шаҳарларида 6 та банкомат ўрнатилган.

Пластик карточкалар орқали йўлга қўйилган "Иш ҳақи лойиҳалари" бўйича шартномалар сони айни пайтда 226 тадир. Хусусан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғона иссиқлик манбаи", вилоят ички ишлар бошқармаси, "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси ва бошқалар билан тузилган шартномалар шулар жумласига киради. Бу табиийки, ўз ўрнида нақд пул айланмасини қисқартириш учун бир қатор қулай имкониятларни яратиб бермоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунда молиявий муассаса томонидан мазкур замонавий хизмат турини янада такомиллаштириш, одамларга янада қулайликлар яратишнинг самарали йўллари ҳам изланмоқда. Жумладан, аҳоли гавжум жойларда ҳамда ташкилот ва корхоналар, мини банклар, махсус касаларда ҳам ушбу йўналишда хизмат кўрсатиш ташкил этилаяпти. Натижада жорий йил охиригача қишлоқ жойларида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан молия муассасаси режалаштирган дастурларда ҳам ўз ифодасини топган.

— Фаолиятимизда Президентимизнинг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари дастуриламал вазифасини ўтаяпти, — дейди банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Хушнудбек Маҳмудов. — Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигига эришиш, иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ва деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятига кўмаклашиш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига кенгроқ жалб этиш, бир сўз билан айтганда, мижозларимизга юксак даражали молиявий хизмат кўрсатиш асосий вазифаларимиз ҳисобланади. Биз мазкур йўналишда бундан кейин ҳам янада самарали иш олиб бораверамиз.

Ўрни келганда молиявий муассасанинг вилоят иқтисодиётидаги нуфузи анча юқорилигини ҳам қайд этмоқ жоиздир. Бу ерда 107772 нафар мижозга хизмат кўрсатилаётганининг ўзи унинг ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилаётганини англатади. Маълумки, Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида банклар фаолиятининг энг муҳим йўналишлари бўйича қимматли тавсиялар берилган. Иқтисодиётимизда асосий ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни имкон қадар кўпроқ қўллаб-қувватлаш эса бу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими мазкур соҳани кредитлашга алоҳида эътибор қаратаётгани диққатга сазовордир.



Аҳолидан депозитларга жалб қилинаётган маблағлар ҳажмини кенгайтириш ва қолдиқлар миқдорининг камаймаслигини таъминлаб бориш мақсадида миллий валютада "Чаман", "Ривоят", "Шалола", "Манзур", "Хосият" ва "Болажон", хорижий валютада "Тараққиёт", "Фароғат", "Абсолют", "Шабнам" ва "Орзу" деб номланган омонатлар жорий қилинган. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб эса миллий валютадаги "Афзал", "Фаввора" ва "Шўъла" деб аталган янги омонат турлари ҳам очилди. Улар мижозларга ўз маблағларини 2,4 ва 15 ойлик муддатда йиллик даромадга нисбатан 21 дан 27 фоизгача кўпайтириб олиш имконини яратаётгани қувонарли ҳолдир.

Миллий банкнинг Фарғона вилоят бўлими ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги филиалларида жисмоний шахслар учун халқаро пул ўтказмалари амалиёти бўйича ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, "Азия-Экспресс", "Вестерн Юнион", "Мигом", "Контакт", "Лидер" каби тизимлардан Ўзбекистон ҳудудига халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келаётган ва шунингдек, республикамиз ҳудудидан четга жўнатилаётган АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар миқдори ҳам озмунча эмас. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг 1 август ҳолатига 3,4 миллион долларни ташкил этган. Ана шундай кенг кўламли ва аҳоли учун энг қулай амалиёт жараёнларида банк ходимларининг юксак малакали хизмати яққол кўзга ташланади.



Мухтасар қилиб айтганда, бугун мазкур молиявий муассасада фуқароларга малакали ва сифатли хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгаяётгани унинг молия бозорида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бораётганидан ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш йўлида дадил одим ташлаётганидан далолат бериб турибди. Буларнинг барчаси аввало, республикамизда Юртбошимиз раҳнамолигида кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борилаётгани, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида изчил сиёсат амалга оширилаётгани ва бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилаётгани натижасидир.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири. ®

Божхона қонунларини бузганлиги учун

Поти шаҳар суди Туркиянинг "Букет" танкерининг 17 нафар экипаж аъзоларидан 16 нафарини озод қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Танкер жорий йилнинг 17 август куни Грузия чегарачилари томонидан ушланган эди. РИА «Новости» хабарида айтилишича, матросларнинг ҳар бири учун 1,8 минг доллардан жарима тўланган.

Танкер Панама байроғи остида Абхазияга 2 минг тонна бензин ва 700 тонна дизель ёнилғиси олиб келганди. Экипаж аъзолари божхона қонунларини бузганликда айбланди. Кемада 13 нафар Туркия ва 4 нафар Озарбойжон фуқароси бор эди.

Кема капитани Туркия фуқароси Меҳмед Жўшқин Ўзтурк суд қарори билан 24 йилга озодликдан маҳрум этилди. Хабарда айтилишича, суд уни 18 минг доллар жарима эвазига озодликка чиқариши ҳам мумкин. Умуман, капитаннинг тақдири кеча кечқурун Туркия ташқи ишлар вазири Аҳмед Довуд ўғли ва Грузия президенти Михаил Саакашвили учрашувида муҳокама этилди.

"Марокат"нинг оғир зарбаси

Тайван бош вазири Лю Чжаосюань кеча истеъфога чиқишини маълум қилди. Бунга шу йилнинг 7 август куни мамлакатда содир бўлган "Марокат" тўфони пайтида ҳукуматнинг эътиборсиз ҳаракати сабаб бўлди.

Эслатиб ўтамиз, тўфон оқибатида 500 киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат хазинаси 3,3 миллиард доллар зарар кўрди. Тайван қонунларига биноан бош вазир билан бирга бутун ҳукумат истеъфога чиқади. Вазирлар Маҳкамаси расмий равишда 10 сентябрь куни ўз фаолиятини тўхтатади. Бундан сал олдинроқ шу сабаб билан мамлакат мудофаа вазири Чэнь Чжаоминь ва Тайван маъмурияти бош котиби Сюе Сянчуан ҳам истеъфога чиққан эди.

Албанияда зилзила

Албанияда 5,4 балли зилзила содир бўлди. Албан сейсмология институтидан олинган маълумотларга қараганда, зилзила маркази Пешкопея шаҳри яқинида бўлган.

Мамлакат оммавий ахборот воситалари ер қимирлаши натижасида қишлоқларда мингга яқин уйлар вайронага айлангани тўғрисидаги хабарларни тарқатди. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ҳақида маълумот йўқ.

Ҳозирги пайтда зилзила содир бўлган жойларда тиббиёт ва ёнғин ўчириш хизмати ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Зилзила Македония ва Хорватияда ҳам сезилди.

Кинорежиссёрга суиқасд

Сальвадор полицияси француз кинорежиссёри Кристиан Поведнинг ўлими билан боғлиқ жиноий ишни текширишга киришди. Режиссёр яқинда мамлакат пойтахти Сан-Сальвадор кўчаларидан бирида ўлдириб кетилган.

Сальвадор президенти расмий баёнот билан чиқиб, режиссёрнинг ўлимидан чуқур қайғуда эканини ва жиноятчилар албатта жазосини олишини билдирди.

Франциялик машҳур режиссёр шу пайтга қадар жиноий гуруҳлар ҳақида кўплаб ҳужжатли фильмларни суратга олган эди. У ўзининг сўнгги La Vida Loca фильмида Сальвадордаги Mara-18 жиноий гуруҳи ҳақида ҳикоя қилганди. Фильмни суратга олиш жараёнида Повед бир қанча жиноятларга гувоҳ бўлди. Жумладан, унинг учта қахрамони ўлдириб кетилди.

France-Presse мухбирининг ёзишича, режиссёрнинг бошига беш марта ўқ узишган. Полиция маълумотларига қараганда, Мага-18 жиноий гуруҳи нафақат Сальвадор, балки АҚШда ҳам ўз фаолиятини йўлга қўйган. 30 минг кишидан иборат бу гуруҳ асосан гиёҳванд моддалар савдоси, рэкет ва босқинчилик билан шуғулланади.

Болалар заҳарланишди



Қримнинг Жанкой шаҳарчасидаги боғчаларда тарбияланаётган болалар оммавий равишда заҳарланди. "Новий Регион" ахборот агентлиги хабарига қараганда, заҳарланган болалар сони бир кунда 140 нафарга етган. Бемор болаларнинг барчаси маҳаллий шифохоналарга ётқизилди. Расмий маълумотларда айтилишича, заҳарланганлар сони юз нафардан ортиқ эмас. Болаларнинг ҳаммасида чанқаш, ҳароратнинг кўтарилиши ва ич кетиши кузатилаяпти. Уларнинг аҳволини врачлар ўртача оғирликда, деб баҳоламоқда.

Болаларнинг ота-оналари касалликнинг келиб чиқишига сифатсиз сут маҳсулотлари сабаб бўлган, дейишмоқда. Врачлар эса ҳозирча касаллик қандай келиб чиққани ҳақида ҳеч нарса дейишгани йўқ. Шаҳар прокуратураси ушбу ҳолат бўйича жиноий иш очиб, текширишни бошлади.

Яна қон тўкилди

Афғонистонда толиблар НАТО қўшинларига тегишли икки автоцистерна ёнилғини ўғирлаб кетишган эди. Улар бу ёнилғини мамлакат шимолидаги Кундуз шаҳрида аҳолига тарқатаётганда НАТО қўшинлари ҳаводан ҳужум уюштиришди. Натижада 90 киши ҳалок бўлди.

НАТО вакиллари тинч аҳоли ҳам ҳалок бўлганини рад этмаса-да, асосан толиблар йўқ қилинганини айтишмоқда. Аммо бошқа хабарларда қайд этилишича, ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги тинч аҳоли вакиллари, болалар. Толиблар вакилининг айтишича, ўғирланган автоцистерналардан бири шаҳар кўчаларидан бирида тиқилиб қолган. Уни болалар ва аҳоли ўраб турган пайтда ҳаводан ҳужум уюштирилган.

Афғонистондаги хавфсизликка ҳамкорлик халқаро кучлари вакили Reuters мухбирига ушбу ҳолат бўйича текширув ишлари бошланганини маълум қилди.

Кема чўкиб кетди

Македониянинг Охрид оролида сайёҳлар сайр қилиб юрган кема чўкиб кетди. AFP хабарида айтилишича, ҳалокат оқибатида камида 10 нафар сайёҳ ҳалок бўлган.

Кема бортида асосан болгариялик сайёҳлар бор эди. У соҳилдан 200 метр узоқлашгач, чўка бошлаган. Одамлар саросимага тушиб, ўзларини сувга ташлашган.

ДАРАКЛАР

Шунинг учун қутқарув ишлари бироз қийин кечди. Кема ҳалокати юзасидан махсус комиссия тузилиб, текширув ишларини бошлади.

«Air France»нинг қарори

Европадаги энг йирик авиакомпаниялардан бири Air France KLM инқироз туфайли 1500 иш ўринларини камайтиришга қарор қилди. Ходимларга ўз хоҳишлари билан ишдан бўшаш таклиф қилинмоқда. Лекин ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганларга қандай имкониятлар берилиши ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

Таъкидлаш жоизки, Air France биринчи марта иш ўринларини қисқартираётгани йўқ. Жорий йилнинг 31 мартигача ҳам 2400 ишчи бошқа иш топишга мажбур бўлган эди. Бундан ташқари, компания 2011 йилга бориб яна 3000 ишчига жавоб бермоқчи.

Иш ўринларини камайтиришга компаниянинг молиявий аҳволи оғирлашиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Масалан, 2008 йилни Air France 200 миллион евро зарар билан якунлади.

Ҳарбийлар кема сотиб олмоқчи

Россия мудофаа вазирлиги Голландиянинг «Rotterdam», деб номланган вертолёт ташувчи кемасига қизиқиш билдирган. Голландиянинг Damen Schelde компанияси раҳбари Хейна ван Амейденнинг таъкидлашича, агар шартнома тузишга эришилса, расмий Москва 4 та шундай кемага буюртма беради.

Таъкидлаш жоизки, сал аввалроқ Россия ҳарбийлари Франциянинг ҳам шундай вертолёт ташувчи кемасини сотиб олиш истагини билдиришган эди. Голландлар французларга рақобатчи бўлишди. Тендерда Испаниянинг Navantia компанияси ҳам иштирок этиши мумкин. Тўртта кеманинг баҳоси 1-1,5 миллиард евро атрофида баҳоланмоқда. Франциянинг Johan de Witt вертолёт ташувчи кемаси бортига олтита NFH-90 типидаги ўртача вертолётни ёки EH101 типидаги катта вертолётларни сиғдира олади.

ТАФСИЛОТ

Инсоний фазилатлар унутилса...

Кейинги йилларда дунёда болалар ва ўсмирларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар кўпайиб бормоқда. Масалан, маълумотларга қараганда 2008 йилда Россияда болалар ва ўсмирларга нисбатан 62 мингта жиноят содир этилган. Мамлакат прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи А. Бастрикиннинг айтишича, бу жиноятлар оқибатида 2 минг нафар вояга етмаган бола ҳаётдан кўз юмган. 388 ҳолатда эса болалар атайин ўлдирилган. Россиянинг биргина Воронеж вилоятида жорий йилнинг июль ойида вояга етмаганларга нисбатан 18 марта жиноят содир этилган. РИА «Новости» хабарида айтилишича, бу жиноятларнинг саккизтаси болалар ўлими билан тугаган. Икки ҳолатда ота ёки она ўз фарзандининг қотилига айланган.

Яқинда АҚШ конгресси педофилияга, яъни болаларни зўрлашга қарши қонун қабул қилди. Бунга питсбурглик 39 ёшли Мэттью Манкузо томонидан амалга оширилган жирканч жиноят сабаб бўлди. У бундан бир неча йил бурун Мария Яшенкова деган россиялик қизчани ўз тарбиясига олади. Унга вақтида овқат ҳатто нон ҳам бермагани учун қизалоқ ўн ёшга тўлганда ҳам беш яшар қизчанинг кийимини кияди. Суд томонидан жиноятчи 35 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Германияда болалар порнографияси билан боғлиқ жуда катта жанжал бошланди. Полиция ҳозирча.12 минг нафар педофилни шубҳа остига олган. MDR Info радиоси хабарига қараганда, 1700 киши болалар порнографияси билан шуғулланганликда айбланиб, ҳибсга олинган. Саксония-Ангальт ерида 325 кишига нисбатан жиноий иш очилган. Мерсенбург шаҳар мэри эса 8 минг евро жарима тўлайдиган бўлди. Чунки ундан болалар порнографияси билан боғлиқ расмлар топилган.

Австриялик полициячилар дунё педофилларининг интернет сетини аниқлашга муваффақ бўлишди. Маълумотларга қараганда, ушбу сетнинг фаолият юритиб туриши учун дунёнинг турли мамлакатларида, жумладан, Жазоир, Венесуэла, Исландия, Германия, АҚШда 2,3 минг нафар киши хизмат қилар экан.

Reuters мухбири яқинда француз полициячиларининг бу борада олиб бораётган ишларига доир ҳисоботни тарқатди. Хабарда айтилишича, мамлакатда болалар порнографияси бўйича «Камалак», деб номланган амалиёт ўтказилган. Тўрт кун давом этган ушбу тадбир давомида инсон маънавиятига тўғри келмайдиган 1,4 миллионта сурат ва 27 мингта видеолавҳалар мусодара қилинган. Ўтган пайшанба куни шундай тадбир Португалияда ҳам ўтказилди. Тадбир давомида 80 нафар кишидан 150 та компьютер тортиб олинган.

Дунёдаги бой одамлардан бири, АҚШ фуқароси Андрей Могилянскийни кўпчилик нафақат қўли очиқ бизнесмен, балки террор қурбонлари фондининг ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам ҳурмат қилишар эди. Лекин яқинда унинг бошқа «ҳунари» ҳам борлиги фош бўлди. АҚШ Федерал разведка бюроси ходимлари томонидан олиб борилган текширувлар чоғида у Москвада сайёҳлар учун «дам олиш уйлари» ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этгани аниқланди.

Хўш, нима учун бундай ҳол юз бермоқда? Айтиш жоизки, глобализация туфайли инсоният томонидан минглаб йиллар давомида шаклланган инсоний фазилатлар дунёнинг биз ривожланган деб атайдиган мамлакатларида паймол қилинмоқда. Кўплаб халқлар турли ёт ғоялар таъсирига тушиб, ўзига хос урф-одатлари, турмуш тарзларини йўқотиб боришаяпти. Айрим Ғарб мамлакатларида ахлоқсизлик, бир жинслилар ўртасида никоҳ баъзи одамларнинг ҳаёт тарзига айланди. Энг ачинарлиси, бу каби жирканч иллатлар интернет сайтларида, телевизорларда тарғиб қилинмоқда. Уларни тақиқлашга уриниш эса демократияни бўғиш, деб баҳоланмоқда. Аслида эса бундай демократия ҳеч кимга керак эмас. У инсониятни бундан ҳам жирканч фожиаларга етаклайди, холос.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

КИТОБ — ИНСОН РУҲИНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ

(Бошланиши 4-бетда.)

Ҳаммасини ўша нарса ҳал этади. Асарни охиригача ўқийсизми ёки йўқ бу қандай китоб танлашингизга боғлиқ. Яна бир қизиқ нарса бор. Шундай пайтлар бўладики, мен ўта мураккаб китобларни ўқигим келади. Баъзида акси бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, китоб танлашни ҳам кайфият ҳал этади. Устозларимнинг (айримлари оламдан ўтиб кетишган, уларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) кутубхоналарида ўн минглаб китоблар бор эди. Ҳар сафар у ерга борганимда жуда кўплаб китобларнинг бирор марта ҳам очилмаганини кўрардим. Энди ўйлаб кўринг: уларни ўша китобларни ўқимагани учун айблашимиз керакми? Ҳаёти давомида битта китобга юз марта мурожаат қилган-у, бошқасини мутолаа қилишга уриниб ҳам кўрмагани учун уларга маломат қилолмаймиз-ку! Китоб жавонингизда бир китоб тураверади. Ўшани қачондир ўқишим керак, деб ният қилиб қўясиз. Аммо ўн йиллаб, балки бир умр уни ўқимаслигингиз мумкин.

Мен ёзувчи Томас Манни жуда яхши кўраман. Унинг "Доктор Фауст" деган асарини таржима қилаяпман. Лекин мана шу китобни ўн беш йилча қўлимга ололмагандим. Мана орадан шунча вақт ўтиб менда шу асарни мутолаа қилиш кайфияти туғилди ва шу билан бирга уни таржима қилиш нияти ҳам пайдо бўлди. Ўйлайманки, китобнинг ранги, ёзилиши ва тилидан ташқари, у билан инсонни боғлайдиган илоҳий бир муносабат бор.

— Университетга киргунимча айрим адибларимизнинг асарларини севиб мутолаа қилардим. Ўша пайтларда мен учун дунёда улардан зўрроқ ёзувчи йўқ эди. Талабалик йилларимда эса Абдулла Қодирий, Асқад Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Шукур Холмирзаев, Хайриддин Султонов, Тоғай Муродларни кашф этдим. Сўнг бошқа асарларнинг яхши ёки ёмонлигини уларнинг асарлари билан таққослайдиган бўлдим. Шундан бўлса керак, бугун кўпчилик томонидан севиб мутолаа қилинаётган айрим китобларни варақлаш ҳам малол келади.

— Ҳа, ҳар ким ўз билим даражасидан ё қизиқишидан келиб чиқиб, китоб мутолаа қилади, ҳатто ўзидан келиб чиқиб газета-журнал ўқийди. Жилла қурса ахборот олиш учун ҳам матбуот нашрларини бир марта варақлаб чиқади. Аммо юксак даражадаги китобларни бугун миллатнинг ҳатто бир фоизи ўқиётган бўлса ҳам, демак, ўша асарлар ўқилаяпти, дейиш мумкин. Агар одамлар ўша китобларнинг мутолаасига шўнғиган бўлса ҳам халқимиз китобсевар бўлиб кетибди, деб қувониш керак эмас. Ёки жиддий бадиий асарларни ўқимаса, миллат китоб ўқимай қўйди, дейиш ҳам нотўғри.

Китобларни танлаб ўқиш ҳақида яна бир гапни айтиб ўтишни истардимки, зиёлиларимизнинг энг катта хатоси — журналист ё ёзувчининг техника, химия, физика, астрономия ҳақидаги китобларни ўқимаслигидир. Нима учун филолог антропология, геологияни мутолаа қилмаслиги керак? Масалан, микрофизика деган соҳа бор ёки квант физикаси пайдо бўлиб Эйнштейннинг қонунларини йўққа чиқарди. Бу жараён жуда қизиқ бўлиши баробарида жуда катта илм майдони. Бу китобларни фақат олим ўқисагина тушунади. Лекин филолог ва журналистнинг ҳам уни ўқиши, тушуниши ҳамда улар ҳақида билиши шарт эмасми? Агар ёзувчининг диапозони мана шу даражада бўлсагина, уни ўрта даражадаги ижодкор дейиш мумкин.

Ҳамма "ёзувчиларимиз яхши асарлар ярата олмаяпти", деб гапираяпти. Аввало, ҳаёт шундай улкан уммонки, унинг бутун борлиғини кўриб бўлмайди. Ёзувчи геологнинг ишини ўрганиб, физикнинг фаолиятини кузатишга улгурмаслиги мумкин. Ҳаёт инсонга ўлчаб берилган. Шундай экан, ёзувчи ҳеч бўлмаса уларни китоблардан ўқиб ўрганиши керак. Асар ёзаётганида, албатта, қайсидир жойида математика, қайсидир жойида эса химия керак бўлади. Мен Дино Буцатийнинг "Эйнштейн билан Иблис" деган кичкина асарини таржима қилдим. Асарда шундай терминлар борки, уларни тушуниш жуда қийин. Уни таржима қилишга қилдим-у, мазмун-моҳиятини чиқара олмадим. Кучли муҳаррирлар билан бирга ҳам баъзи сўзларнинг моҳиятини очиб беролмадик. Негаки, биз физикани билмасдик. Бу масаланинг биринчи томони. Масаланинг иккинчи томони физика ёки бошқа соҳа профессорининг адабиётни ўқимаслиги жуда катта фожиа. Бу нафақат унинг, балки бутун миллатнинг фожиасидир. Ана шу томонларни ҳисобга олиб, уларга талаб қўйсак ҳам бўлади. Университетларда филология ва журналистика факультетларидан ташқари бошқа факультетларда ҳам адабиёт дарслари ўқитилса яхши бўларди. Бунинг учун, албатта, раҳбарлар ҳам адабиётга қизиққан бўлиши керак. Алишер Навоий даврида Ҳусайн Бойқаро шеърлар ёзган. Адабиёт Ҳусайн Бойқаронинг бошқа ишларига ҳам халақит бермаган, аксинча фойда келтирган. Энг асосийси, адабиётга қизиққан одам ҳеч қачон ёмон иш қилмайди. Ёзувчига физика касб тақозосига кўра керак бўлса, физикнинг адабиётни билмаслиги уни маънавий қашшоқликка олиб келади. Адабиёт ҳаёт дарси, инсонни тарбиялайди. Инсоннинг руҳи тарбияланса, дунёда уруш ҳам, ўғирлик ҳам бўлмайди.

— Домла, масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий "Теётр ибратхонадур" деган эди. Замонамизнинг таниқли режиссиёрларидан бири эса "Театр ахлоқи йўқларга ахлоқ ўргатолмайди, чунки ахлоқсизлар театрга келишмайди" дейди. Худди шу фикрларни адабиётга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Яъни адабиёт кенг маънода одоб ўргатувчидир, аммо одобсиз киши китоб мутолаа қилармикин?

— Парадокслар доим ўзини оқлайвермайди. Адабли одам китоб ўқийди дейиш, билмадим, қанчалик тўғри. Шарқ дунёсида яратилган аксарият бадиий асарларнинг қиммати қай даражада адаб бериши билан белгиланади. Адаб бериш деганда танбеҳ ёки насиҳат бериш деб тор маънода тушунсак асарлар зерикарли бўлиб қолади. Яъни насиҳатгўйликка ўхшаб қолади. Этиканинг ҳам даражаси бор. Агар адабиёт маиший кундалик юмушлардан иборат бўлиб қолса, ўқувчини тарбиялай олмайди. Ўз навбатида тарбиялаётганини билдириб ҳам қўяди. Агар сиз тарбиялаётганингизни китобхонга билдириб қўйсангиз, уни ҳеч қачон тарбиялаб бўлмайди. Аслида бу ишни билдирмасдан қилиш керак. Чинакам этика сингдирилган адабиётда насиҳат борлигини ҳам, кишини тарбиялаётганини ҳам китобхон сезмайди. Шунинг учун сиз қаҳрамоннинг аҳволига йиғлайсиз ё ундаги руҳ сизга ҳам кўчганини сезмай қоласиз. Ўша асар сизни кулоғингизга карнай билан насиҳат қилгандан кўра, юксакроқ тарбиялайди. Шу боис аждодларимиз адабиётни доим баланд қўйишган.

Яна бир гап: матбуот ҳам маълум маънода маънавиятнинг тарғиботчиси. Шундай экан, газета ёки журналлар ҳар сонида "Қутадғу билиг"дан парчалар бериб борса, яхши бўларди. Ёки ўша асар ҳақида китоблар ёзилса, сериаллар ва мультфильмлар ишланса ҳам мақсадга мувофиқ бўларди. Нима учун европаликлар ўзининг ботиний эътиқодларини мультфильм қилиб, болаларимизга сингдиради-ю, биз адабиётга йўғрилган иймонимизни эфирга олиб чиқолмаймиз! Мана шу масалага жиддий эътибор қаратиш керак.

— Хабарингиз бор, ўтган йили Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари ҳозирги ўзбек тилига мосланди, табдил қилинди. Бу нарса юртдошларимизга ушбу тарихий-мемуар китобнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англашда катта ёрдам бериши шубҳасиз. Аммо халқимизнинг жуда кўплаб бошқа мумтоз асарлари мутолаасига келсак, бу ҳақда ижобий фикр билдириш бироз қийинроқ. Китобхон асарни тушунишда қийналгани учун ўқимаса, уни китобсевар эмасликда айблашга ҳақлимизми?

— Фикрингизга қўшиламан. Умуман олганда, XX асргача бўлган адабиётимизни халқимиз тўғридан-тўғри тўла тушунмайди. Бу катта муаммо, албатта. Бизда ҳам шарҳ ва шориҳ деган тушунчалар жуда қадим замонлардан бор. Шориҳлар томонидан мукаммал асарлар шарҳлаб келинган. Ҳеч қачон зўр асарлар одамларга тўғридан-тўғри етиб бормаган. Шу маънода аждодларимиз асарларини шарҳ қилиш керак, деган фикрга қўшиламан. Лекин бу борада шориҳнинг масъулияти ниҳоятда катта. Чунки китоб тўғри шарҳланмаса, асар, шориҳ ва ўқувчи орасидаги муносабат салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Азим РЎЗИЕВ суҳбатлашди.

ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИДА

Бўлажак педагоглар маскани

Коллежларнинг таълим жараёнида ўз ўрни бор. Самарқанд вилоятида ҳам айни пайтда турли соҳаларга ихтисослашган 156 та касб-ҳунар коллежи, 14 та академик лицей фаолият кўрсатаяпти. Самарқанд педагогика коллежи ҳам ана шундай билим масканларидан биридир.

Мамлакатимиз тараққиёти учун етук, малакали мутахассислар тайёрлаш барча таълим муассасаларининг вазифаси ҳисобланади, албатта. Самарқанд педагогика коллежида ҳам ўқув жараёни "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Президентимизнинг таълимга оид бир қатор фармон ва қарорлари асосида ташкил этилган.

Ўқув юртида ҳозир 122 нафар малакали ўқитувчи ўқувчиларга педагогика сирларини ўргатиб келмоқда. Устозлар орасида фан номзодлари, "Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими", "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Меҳнат фахрийси" унвонларига эга бўлганлари ҳам бор.

Талабалар учун 2 та ўқув корпуси мавжуд бўлиб, давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган физика, химия, биология лабораториялари, 2 та компьютер синфи, 3 та лингафон ва 54 та ўқув хоналари мавжуд.

— Ўқувчиларимиз коллежлараро тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди коллеж директори, педагогика фанлари номзоди Саидаҳмад Усмонов. — Жамоамиз Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг жорий йилнинг 1 апрелидаги "Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 85-сонли буйруғига мувофиқ "Намунали ободонлаштирилган ва қўқаламзорлаштирилган ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси" танловида фаол иштирок этди..

Дарҳақиқат, таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог, ҳар бир ўқувчини онгу шуурида озодаликка, тозаликка, саранжом-саришталикка меҳр уйғотиб, таълим муассасасини обод қилишга ўз ҳиссасини қўшишга даъват этган десак муболаға бўлмайди. Буни тарбиявий ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўқув юрти раҳбарининг мавжуд шарт-шароитлар тўғрисида тўлқинланиб гапиришида жон бор. Ахборот ресурс маркази фаолияти билан ҳам қизиқиб кўрганимизда у ердаги ишлар ҳам кўнгилдагидай эканига гувоҳ бўлдик. 32343 дона китобдан иборат марказ фонди таркибида дарсликлар ва услубий қўлланмалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий ва бадиий, шунингдек илмий-оммабоп адабиётлар билан бирга электрон дарсликлар ҳам борлиги ўқувчиларга бир қатор қулайликларни яратиб бераяпти. Интернетга уланган компьютерлар ҳам ёшлар ихтиёрига берилган.

— Билим масканимиз тарихини ўзида мужассамлаштирган музей, ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида маънавият ва маърифат маркази ташкил этилган, — дейди коллеж директорининг маънавий ишлар бўйича ўринбосари Холбек Кубаев. — Шунингдек, 43 та фан тўгаракларига 1445 нафар ўқувчиларнинг жалб этилиши ҳам ютуқларимиздан бири деб ҳисоблайман.

Ўқув юртида спорт ва кураш заллари, стол тенниси майдончаси ҳамда коллеж ҳовлисида мини футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд.

Коллежнинг ўқув тажриба участкаси ҳам мавжуд бўлиб, у ерда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Умумий биология, табиатшунослик ва ўқитиш методикаси, тасвирий санъат, устахона амалиёти фанлари бўйича амалиёт машғулотларини олиб бориш мумкин. Шунингдек, тажриба майдончасида турли хил экинлар ҳам парваришланиб, мевалар ва сабзавот махсулотлари ҳам етиштирилади.

Коллежнинг улкан педагогик жамоасида малакали, етук устозлар сафи анчагина. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиқурбон Холов, республикада хизмат кўрсатган халқ маорифи аълочиси Эркин Аллаев, Раъно Ражапова, Рафоат Ҳамроева, Нарзикул Каримовлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд педагогика коллежи нафақат назарий, балки амалий билим масканларидан биридир. Бу ерда таҳсил олаётган бир ярим мингдан ортиқ ўқувчининг келажакда етук касб эгалари бўлиб етишишида устозларнинг алоҳида ўрни бор.

Норқул МАЪМУР, "Hurriyat" мухбири. ®

Суратда: коллеж директори С.УСМОНОВ

ФАОЛИЯТ

ASAKA BANK

Ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами унинг пировард натижаси билан баҳоланади, албатта. Қолаверса, бу бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан биридир. Одатда ташкилот, муассаса фаолиятининг йиллик иқтисодий кўрсаткичлари кўп жиҳатдан биринчи ярим йиллик якунларига қараб ҳам башорат қилинади. Гарчанд жорий йилнинг олти ойлик якунлари аллақачон таҳлил қилинган бўлса-да, унинг натижаларига кўра кўпгина корхона ва муассасалар, молия институтлари ўтиб бораётган йил якунлари ҳақида умидбахш башоратлар қилишмоқда. Хусусан, ДАТ "Асака банк"ининг Сурхондарё вилоят филиали фаолияти ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрлар билдирилмоқда. Боиси ушбу молия муассасаси жорий йилнинг дастлабки олти ойида барча кўрсаткичлар бўйича кўзланган натижаларга эришди.

СИФАТЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИДИР

Бунга биринчи навбатда серғайрат, ўз ишининг билимдони бўлган ёш мутахассислар ушбу жамоанинг асосини ташкил этгани сабаб бўлди десак тўғри бўлади.

Банк мижозни эмас, мижоз банкни танлаётган бугунги кунда бундай юқори натижага эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда юқори сифатли, мижознинг диди ва талабига мос келувчи бир неча йўналишдаги банк хизматларини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, мижоз қалбига йўл топа олиш керак. Табиийки, бундай юқори даражадаги банк хизмати биринчи навбатда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга кўмак берса, иккинчи томондан аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга асос бўлиши шубҳасиз.

ДАТ "Асака банк"нинг Сурхондарё вилоят филиали бугунги кунда жойлардаги 8 та мини банки, 5 та жамғарма, 1 та кўчма, 5 та махсус кассаси ҳамда 12 та "Пайнет" тўлов шохобчаси орқали аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Аввало, мижозлар ҳамда аҳолига энг замонавий молиявий хизматларни йўлга қўйишга, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида аҳамият қаратилган. Жумладан, "Вестерн юнион", "Быстрая почта", "Юнистрим", "Близко" каби қулай ва тезкор халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали жорий йилнинг олти ойида 13441 та мижозга хизмат кўрсатилган. Эътиборлиси шундаки, ушбу замонавий тизим бўйича шу пайтгача аҳоли томонидан жиддий эътироз ёки шикоятлар бўлмаган. Барча шохобчаларда зарур шарт-шароитлар яратилгани, улар етарли миқдорда накд хорижий валюталар билан таъминлангани сабабли мижозлар сонининг доимий ўсишига эришилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли ихтиёридаги бўш пул маблағларини юқори фоизли омонатларга жалб этиш ишларининг тўғри ташкил этилгани банк учун ҳам, мижоз учун ҳам юқори даражали даромад манбаи бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, йиллик 30 фоиз даромад олиш мумкин бўлган "Ривож", 28 фоизлик даромадга эга "Бойчечак", "Файзли" (26 фоиз) ҳамда "Болажон" (йиллик 22 фоизли) каби омонатларга бўш пул маблағларини қўйган мижозлар қўшимча даромад олиш эвазига оила бюджетини яхшилашга эришаяпти.

Филиал томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш

ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2006 йил 17 апрелдаги) ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш, улардан чакана савдода, коммунал ва бошқа хизмат турларида кенг фойдаланишнинг йўлга қўйилиши натижасида банкдан ташқари накд пул айланишини бир неча баравар қисқартиришга эришилди.

Жумладан, биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида мижозларга 18010 дона пластик карточка тарқатилган бўлиб, уларнинг 16986 донаси маош-лойиҳа шартномаси орқали, 1024 донаси жисмоний шахсларга тарқатилган. Ушбу ишончли тўлов воситаси аҳоли орасида кенг оммалашаётгани боис ярим йилда мижозлар қўлидаги сўм-пластик карточкаларда турган маблағ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 157,1 млн. сўмга кўпайиб, 480,2 млн. сўмни ташкил этган. Филиал тасарруфидаги мини банклар томонидан ўрнатилган 138 дона терминал орқали сифатли хизмат кўрсатилаётгани ҳам аҳоли учун анча қулайлик яратмоқда.

— Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган айни пайтда мижозларга таклиф этилаётган ҳар бир молиявий кўмак яхшигина манфаат келтириши лозим, — дейди банк бошқарувчиси Улуғбек Зокиров. — Бунда энг аввало йўналтирилаётган кредитлар эвазига яратилажак янги иш ўринлари назарда тутилади. Шу мақсадда кредит сўраган ҳар бир мижозга буни алоҳида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Натижада тадбиркор олинажак кредит маблағни йўналтириш бўйича бизнес режа тузар экан, албатта, унга янги иш ўринлари яратиш шартини ҳам киритишга ҳаракат қилади. 2008 йилда филиалимиз томонидан ажратилган кредитлар эвазига 218 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, жорий йилнинг олти ойида 131 та иш ўрни яратишга эришдик. Демак, йил охиригача бу соҳада ўтган йилги кўрсаткичдан анча юқори натижага эришишимиз мумкин. Ўтган бир ярим йил давомида 350 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, демак шунча оилада моддий жиҳатдан аҳвол яхшиланганига ўз ҳиссамизни қўшган ҳисобланамиз.

Филиал томонидан кредит сиёсати тўғри амалга оширилаётганини унинг фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ўтган ярим йиллик натижаларига кўра ёш оилаларга уй-жой қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиши учун 190 млн. сўм (шундан 165 млн. сўм имтиёзли) кредит ажратилган бўлса, аёллар орасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадига 220 млн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилган. Ажратилган истеъмол кредитининг 20,6 млн. сўмлик имтиёзли қисми ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат даражасидаги сиёсатни амалга ошириш мақсадида жами 2 млрд. 973 млн. 700 минг сўм кредит маблағи ажратилган. Унинг 2 млрд. 121 млн. 400 минг сўми банк маблағи ҳисобидан таъминланган бўлса, 52,3 млн. сўмлик маблағ Осиё тараққиёт банки ҳисобидан молиялаштирилган.

Албатта, амалга оширилаётган ушбу ишлар ДАТ "Асака банк"нинг Сурхондарё вилояти филиали жамоаси томонидан жорий йил давомида режалаштирилган салмоқли вазифаларнинг бир қисми, холос.

Даврон ОРИПОВ, "Hurriyat" мухбири. ®

МУТОЛАА

Адабий-бадиий ижодда давр руҳи акс этади, деб ўқигандим. Яқинда "Шарқ юлдузи" журналининг шахсий кутубхонамда сақланаётган 1988-1989 йиллардаги сонларини варақлаб, бугунги кунда элимиз ардоғида бўлган, бир нечта китоблари мухлисларнинг севимли асарлари қаторидан жой олган ёзувчи ва шоирларнинг ижод намуналарига кўзим тушди. Уларда мустақиллик арафасидаги ижтимоий-иқтисодий муҳит нафасини сезгандек бўлдим. Адабиёт майдонига эндигина кириб келаётган ёш ижодкорлар ўша пайтдаёқ ўзларининг келажаги ҳақида нишона бера бошлаган экан, десак муболаға бўлмайди. Улар орасида шоира Зебо Мирзо ажралиб турарди гўё. Унинг "Титрайман, жонимни ичимга ютиб" ("Шарқ юлдузи", 1989 йил, 8-сон) деб номланган туркум шеърлари диққатимни тортди. Мен Зебонинг ижодини анчадан бери кузатиб юрганим учун уни лирик шоира деб биламан. У қалб туйғуларини аниқ ифодалай оладиган, кечинмалар титроғини ўқувчига бетакрор ифори ва ҳаяжони билан етказа оладиган шоирадир. Журналдаги туркумда унинг "Зебонинг Ёзига мактуби", "Ойпараст", "Соя", "Тўри Амир мақбараси" сарлавҳали шеърлари ва "Юлдузлар ашкини қусади осмон..." деб бошланадиган шеъри берилганди.

"Майсалар титроғи кирар жонимга..."

ёки шоира Зебо МИРЗО ижодига бир назар

Туркумдаги "Гўри Амир мақбараси" шеъри янада диққатимни тортди. Ушбу шеърда Зебо ватанпарвар шоира сифатида кўз олдимда намоён бўлди. Соҳибқирон бобомиз ҳақида ўша пайтда, яъни юртимиз мустақилликка эришмаган, собиқ иттифоқ даврида шундай шеър ёзиш, миллий қадрият бўлган боболаримиз руҳи ҳақида, умуман эътиқод ҳақида гап юритиш, қолаверса, уни республиканинг етакчи адабий журналида чоп этиш шоиранинг ҳам, журнал ижодий жамоасининг ҳам жасоратидай туюлди менга.

Шўро даврида мозийга, тарихга мурожаат қилганлар тақдири нима билан тугагани ҳаммамизга маълум. Шунга қарамай ёш шоиранинг Амир Темур тилидан "Мен сенга мозийман" дея авлодларга мурожаат қилиши катта масъулият эди. Жаҳонгир бобомизга шўро даврида холис баҳо берилмади, сабаби бу амалдаги мафкура талабига мос келмас эди. Аксинча, унинг номига турли бўҳтонлар ёғдирилар эди. Лекин дунё Соҳибқиронни Европанинг халоскори сифатида аллақачон тан олган, у тарих зарварақларига битилганди.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шўро давридаги ҳамма нарса ягона ҳақиқат деб одамлар, айниқса, ёшлар онгига сингдирилар, тарихни қиёсий ўрганиш имконияти йўқ эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур бобомиз ўз сўзи охирида "Сен қайга кетаяпсан, эй тўғри болам?!" дея оҳ уради. Бобокалонимизнинг нидоси ўқувчини мулоҳазага чорлайди ҳамда ҳар бир кишининг ўз мақоми ҳақида ўйлаб кўриши лозимлигини уқтиради. Ёш шоира эса ана шу мулоҳаза қилувчилар авлодининг вакили ва лирик қаҳрамон, у Соҳибқирон мақбарасидан ўйчан ҳолда қайтади ва кўнглидан шу ўйлар ўтади:

...Қайтдим, бу даҳманинг қошидан эгик,
Қайтдим, миноралар қараб қолди тик.
У менга берарди каттакон сўроқ,
Менда эса не бор, на бош, на оёқ?
Қайтдим, қўлларимда синган ой нури,
Теграмда ўтмиши ёдли-ёдсизлар.
Ҳеч нарса қуролмас жаҳонда ўгри,
Дунёни бузади эътиқодсизлар!..

Қаранг, "Менда эса не бор, на бош, на оёқ?". Бу муаллифнинг ўзи яшаб турган тузумдан норозилиги, ўзининг боши ҳам, оёғи ҳам йўқлигини баралла айтаяпти. Бу ташбеҳ ўтган асрнинг 90-йиллар охиридаги авлодга ишорадек туюлади. Зебо шу шеърида эътиқоддан гап очган ва ўзининг эътиқод фарзанди бўлиб қолишидан дарак берган. Биз унинг кейинги ижод намуналарида ана шу эътиқодига содиқ қолганини кўрамиз. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам эътиқод билан яшаш, унга садоқат кўрсатиш осон эмас.

Бу шеърлар ёзилгандан кейин қанча сувлар оқиб кетди. Зебо Мирзо инсон туйғуларининг куйчиси, кашфиётчиси сифатида элимизга танилди, у шеърларига имзо қўймаса-да, мухлислар уни ижодидан таниб олади. Бунга мухлис сифатида мен кафилман. Зебо шу давр мобайнида ижодкор сифатида, ўз йўлини излаётган шоира ва ёзувчи сифатида улғайди, лекин бир нарса аниқ: у ўз мухлислари қалбини тобора чуқурроқ эгалламоқда.

Унинг шеърларини ўқиганда ўқувчи қалби ҳам беихтиёр титрайди, шоиранинг ҳаяжони сизга ўта бошлайди. Ҳақиқий санъатдан, шеърдаги шоҳ сатрлардан киши руҳияти оҳорланади, ҳис-ҳаяжон юракни яшартиради, ғуборини тарқатади. Мана, қаранг, "Бир пайтлари" шеърида шоира нима дейди:

Қалдирғочнинг бағрида ой кулган эди,
Қалдирғочлар осмонимга тўлган эди.
Гул тушида оқар эди тун хушлари,
Бахт кичигу, аммо юрак улкан эди...

Инсон зоти севишга ва севилишга мансубдир ҳамда у ҳар кимда ҳар хил, бетакрор ва унутилмас тарзда ўтиши аниқ. Лекин шоиранинг шеърга солган туйғулари ҳаммага таниш ва қадрли, ҳақиқий севган ва севилганлар буни бепарво ўқий олмайди:

Не дей, асли асл ошиқ хас бўларкан,
Дил самодан баланд, ердан паст бўларкан,
Нима топдим, юрагимни тошга уриб,
Ҳатто, мор ҳам ишқ кўйига маст бўларкан...

Айниқса, Зебонинг 2004 йилда мухлисларига тортиқ қилган "Нур кукунлари" деб номланган шеърлар тўпламини мен "Ишқ кукунлари" деган бўлардим, чунки ундаги ҳар бир шеър гўёки бир кашфиёт, муҳаббат деган туйғуни бошдан кечирганлар учун малҳам.

Эй менинг умримни барбод қилган ишқ,
Балки изингиздан хазондек ўтдим.
Вужудга оташлар туташган чоқда,
Аланга лабларда жонимни тутдим.

Шоиранинг талқинидаги туйғулар ифодаси ўқувчини ишонтириши билан аҳамиятли. Баъзи шоирлар ҳис-туйғуларни кўзғатиш учун сунъий ташбеҳлар яратса, Зебо уларни излаб ўтирмайди, балки улар "Кўлимда қўлларнинг шивири...", "...умрини бунёд қилган ишқ", "Руҳни яратган битта ишқ" тарзида қўйилиб келади. Шоиранинг бир шеъридаги хитоб ҳам ўринли ва у ўқувчи юрагини жунбушга келтиришга хизмат қилган.

Муаллифини ҳаяжонлантирмаган шеър ўқувчини титроққа солиши мумкинми? Умуман шеър кишини титратмаса, бирор ҳис-ҳаяжон уйғотмаса, унинг мажлис баённомасидан нима фарқи бор? Зебо шеърларига ана шундай талаб қўяди, шунинг учун шеърлари ботиний туйғулар ва ҳаяжонлар мевасидир. Унинг "Оловдарахт" деб номланган шеърига эътибор берайлик:

Майсалар титроғи кирар жонимга,
Чайқалар кўксимда олов денгизи...
Гулладим сочимдан тирноғимгача,
Мен қандай дарахтман, мен кимман ўзи?
Ҳатто хаёлан ҳам ёнимдан ўтма,
Дунё айрилади ахир ҳушидан.
Оҳ, улар-ку улар, ўзим ҳам ҳатто,
Кўрқаман оловнинг уйғонишидан!

Гоҳ оловдарахт бўлиб, гоҳ кукунлар бўлиб сиз ва бизнинг дилларимизни, ҳис-туйғуларимизни йигирма йиллардан ошиқроқ вақт мобайнида жунбушга келтириб куйлаб келаётган шоира ўзини яна бир жабҳада — тележурналистикада ҳам кўрсата бошлади. Ижодкор ва ҳунарманд халқимизнинг тасвирий санъат ва ҳунармандчиликдаги боқий анъаналарини тележурналистика воситасида томошабинларга етказиш бобида дадил қалам тебратмоқда. Тасвирий санъат намояндалари ва назаркарда рассомлар, ҳунармандлар билан суҳбатларини, улар ҳақидаги видеоочеркларини "Ўзбекистон" канали орқали мароқ билан томоша қилмоқдамиз.

Тўғриси, халқимизнинг ҳаммаси ҳам ҳали тасвирий санъат асарларини, кўргазмаларни, музейларни атайин бориб кўришни ҳаётий эҳтиёж даражасида англаганича йўқ. Масалан, кўпчилик юртдошларимиз пойтахтга тушса, бирор рассомнинг кўргазмасини бориб кўришдан кўра савдо дўконларини айланишни хуш кўришади. Ҳали кўргазма заллари мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган фуқароларимиз билан тўлиб-тошиб кетадиган даврлар ҳам келади. Ҳозирча кўргазмаларда ҳақиқий мухлислар билан бирга хорижлик меҳмонларни ҳам тез-тез учратиш мумкин. Шундай пайтда Зебонинг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, ҳунармандчилик соҳаси намояндалари ҳақидаги видеоочерклари шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилмоқда. Очиғи, у анъанавий санъат соҳалари бўйича одамларининг дидини тарбиялашга ўзининг баракали ҳиссасини қўшмоқда десак, асло хато бўлмайди. Бунда унинг нозик дидли шоира экани сезилиб туради, чунки мавзу бўлган асарга аввало унинг ўзи маҳлиё бўлади ва уни бизга ҳам юқтиради.

Илёс ҚУВОНДИҚОВ,
журналист.

Қўшиқчилик санъати:
КЛИП КЕРАКМИ?

(Бошланиши 1-бетда.)

Назаримда, телеканал ҳам, томошабин ҳам, санъаткор ҳам ютқизади. Қўшиқчи эса ўз устида изланмай қўяди. Санъатда битта қўшиқ ёки клип билан шуҳрат топиш мумкин, деб ўйлайди.

Азалдан қўшиқчилик санъати миллатимизнинг кўзгуси ҳисобланган. Улуғ ҳофизлар ижро этган мумтоз наволарни тингланг: клипларсиз ҳам қалбимизга нурдек сингади. Бу хонишларнинг қадр-қиймати ҳозир ҳам бебаҳо. Бу билан яратилаётган қўшиқларга клип олишни мутлақо тақиқлаш керак, деган фикрдан йироқман. Лекин ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани каби, қўшиқчилигимизда халқимизнинг миллий хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Айрим санъаткорларнинг буни англамаган ҳолда чет эл мусиқасига тақлид қилиб, яратаётган олдиқочди "клип"ларини кўрганда кўнгил хира тортади. Аксарият телеканалларни эса ана шундай енгил-елпи ижод қилаётган "қўшиқчи"лар эгаллаб олаяпти. Оқибатда баъзи бир эл севган устоз санъаткорлар телевидениега чиқишни ҳатто ўзига эп кўрмай қолишди. Бу ҳолат нафақат санъатимиз келажагига, балки томошабинларнинг маънавий савиясига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Назаримда, бунинг олдини олишнинг биргина йўли, эфирга узатилаётган мусиқий маҳсулотларнинг сифати ва бадиий даражасига жуда юқори талаб қўйилиши керак. Шунингдек, телестудиялар қошида мусиқа ва клипни холисона баҳолай оладиган соҳа мутахассисларидан иборат бадиий кенгаш фаолиятини жонлантириш зарур. Бу бадиий кенгашни шўролар давридаги цензура билан адаштириб қўймаслик лозим, албатта. Ана шунда телеканаллар ҳақиқий санъатни сохтасидан фарқлай олади.

Республика Маънавият тарғибот маркази бу борада нодавлат телерадиоканаллари («НТТ») билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг самараси ўлароқ, ушбу телевидение қошида фаолият юритаётган бадиий кенгаш томонидан маънавиятимиз талабларига жавоб бермайдиган клиплар эфирга қўйилмаяпти. Бундай кенгашлар бошқа телеканалларда ҳам тузилса, фойдадан холи бўлмасди.

Кўпчиликни ташвишга солаётган муаммолардан яна бири, айрим қўшиқчилар ўзи уч-тўрт жумладан иборат қофиясиз пойинтар-сойинтар сўзларни тузиб, куйга солиб айтаётганидир. Энг ачинарли томони шундаки, эркаклар руҳиятига мос саналган қўшиқларни хотин-қизлар тушуниб-тушунмай ижро этаётгани қайси одоб-ахлоқ мезонига тўғри келади. Масалан, «Чайхана» қўшиғини яқинда бир санъаткор қизимиз ижро этибди. Бу қўшиқнинг «На Востоке, что за жизнь без чайханы?» деган жумлалари бор. Бизга маълумки, чойхонага асосан отахонлар ташриф буюришади. Шунинг учун буни аёл кишининг куйлаши ножоиз бўлса керак. Баъзи қўшиқ матнининг қофияси бўлгани билан маъно-мазмуни очиқдан-очиқ маънавиятсизликни тарғиб қилади. Элга таниқли санъаткорлардан бири «Қаранг-қаранг» қўшиғида:

Қаранг-қаранг, бу қизга қаранг,
Юришига қаранг,
нозига қаранг...

деб қайта-қайта такрорлайди. Уни қўшиқ бошидан охиригача мухлисларни бир қизга қарашга ундашининг муддаосини тушуна олмайсиз. Бундай енгилелпи қўшиқлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Қўшиқчилик санъатига энди кириб келаётган айрим истеъдодли ҳаваскорлар ҳам қўшиқ матнидаги сўзларни нотўғри талаффуз қилиши, кераксиз ўринда ургу бериши уларнинг ҳали ўз устида кўп ишлашини тақозо этади. Бир хонанда қўшиқ нақоратида:

Шах-шах, Шахноза,
Бунчалар этмагин ноза...

деган сўзларни кўп қайтаради. Шаҳноза исмини «Шах-шах, Шахноза» деб бузиб талаффуз этиши кишига нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Умуман, клиплар орқали ёввойи ҳис-туйғулар, маънавиятсизлик тарғиб қилинаётгани кишини жиддий хавотирга солмай қўймайди. Яқинда хонандалар Нилуфар Усмонова ва Отабек Муталхўжаев ижросидаги дуэт-клип намойиш этилди. Ушбу дуэтнинг сўзларига эътибор берингга:

Йигит: *Мақтадилар сени менга ёққанмисан бир кўришда, учраш дейдилар бир бора.*

Қиз: *Мақтадилар сени менга, мос дедилар-ку?! Сенга не керак яна, айт яна. Ўйлаганим, истаганим қани ё сенми?*

Нақорат:

Майли, майли битта кўришайлик,
Сени мен кутган мени ёрим,
Майли, майли, битта учрашайлик,
Сени мен деган мени борим.

Бу нима, қўшиқми? Яна бир-бирига суйкалиб, даҳанини даҳанига тегар ҳолатдаги нигоҳлар билан ўзларини "реклама" қилиш наҳотки санъат ҳисобланса? Йигит қизни кўтариб олиб, бир бора учрашишни тарғиб қилаяпти, холос. Яна денг хонанда кийган либос, деярлик «тунги либос»дан фарқ қилмайди. Бу "оммавий маданият" тарғиботи эмасми? Клип сўнггида ёмғирдан шалоббо бўлган қизни бошқа йигит, йигитни эса бошқа қиз кутиб олади ва «қаҳрамонларимиз» йўлларига равона бўлишади. Шу ўринда фақат санъаткорларни айблашимиз хато бўлар. Бундай клипларни эфирга узатаётган журналистлар қаёққа қараяпти экан? Ахир, бундай видеоматериалларни оила даврасида кўриб бўлмайди-ку!

Санъаткорни ҳақли равишда маънавият тарғиботчиси десак, янглишмаймиз. У ўз соҳасига хос бўлган оддий камчиликларни англамаса, тескари тарғиботчига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ўзини саҳнада ёки клипда тўғри тута билиши керак. Чунки мухлислар ўзи ёқтирган санъаткордан ҳам ибрат олади. Айрим қўшиқчилар елкасига ёки билагига турли "татуировка"ларни чизиб, миллий одатларимизга ёт ажнабий либосда ёки ярим-яланғоч ҳолда клипларда кўринишининг нимаси ёшларга ўрнак бўла олади? Баъзилари эса қора кўзойнак тақиб, клипга тушишни "урф" қилиб олган. Миллий эстрадамизнинг обрўсини бундай "клип"лар билан тушириб қўймаслик учун аввало, қўшиқчиларнинг ижро репуртуарларини яхши шеърлар билан бойитишимиз керак. Назаримда, кейинги пайтда шоир ва қўшиқчилар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик негадир сезилмаяпти.

Аслида хонаданинг халққа тақдим қиладигани фақат қўшиқ-ку. Шундай экан, у шахсини кўз-кўз қилишдан кўра, кўпроқ ижрога эътибор қаратиши лозим эмасмикан? Ваҳоланки, улар орасида қимматбаҳо машиналар ичида ўтириб клипда суратга тушаётгани кўпчиликни ташкил қилади. Айниқса, ҳижронни тасвирлаш мақсадида дам оладиган ётоқда суратга тушиш ҳолати «мода»га айланиб бораётгани кишини хавотирга солади. Бизда қадимдан ётоқ-бегоналарнинг кўзи тушиши мумкин бўлмаган жой саналган. Ҳатто ота-она ором олаётган хонага болаларининг кириши ҳам ножоиз ҳисобланади. Шундай экан, бундай клипларни эфирга узатиш қайси шарқона одоб-ахлоққа тўғри келади?

Маънавиятсизликни тарғиб қилаётган яна бир ҳолат — дискотекадир. Эркак қўшиқчининг атрофида беш-олти нафар ёш қизларнинг унга суйкалиб, турли ритмик ҳаракатлар қилиши, айрим аёл хонандаларнинг йигитлар қуршовида рақсга тушиши эриш туюлади. Яна бу ҳолат ота-онамиз, фарзандларимиз ёки синглимиз ёнида намойиш этилса, уятдан бошимизни ердан кўтаролмай қоламиз.

Баъзан қўшиқларнинг мазмунига клипда тасвирланган воқеа мос тушмайди. Масалан, «Келинчак» деган бир клипда режиссёр фариштани уч нафар тўрт-беш ёшли болакайга оқ кийим кийдириб, елкасида капалакларники каби қанот кўндириб тасвирлайди. Болалар тепадан туриб, келинчак устига гул сочади. Ахир, фариштани тасвирлаш муқаддас динимизда ҳам мумкин эмас-ку. Ёки бир машҳур санъаткорнинг қўшиғига ишланган клипда икки ёш йигит раққосалар орасига келиб, шапка устидан дўппи кийиб рақсга тушади. Минг узр! Ҳуши бор одам шапканинг устидан дўппи киймайди. Қолаверса, дўппи ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлгани боис бундай ҳолат халқимизга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади.

Яна бир таниқли хонанда куйлаган «Сан-сан» қўшиғига ишланган клипда бошидан охиригача Нью-Йорк шаҳри тасвирланади. Аслида бу шаҳарнинг қўшиққа ҳеч қандай алоқаси йўқ. Режиссёрнинг баланд бинолар фонида созандаларни акс эттиришидан мақсадини тушунолмайсиз. Аксар қўшиқлар мазмуни «ёндим-куйдим» тарзидаги сохта «оҳ-воҳ»лардан иборат бўлиб қолмаяптимикан? Негадир ота-онани ҳурмат қилиш, Ватанни улуғловчи, меҳр-оқибатни тарғиб қилишга қаратилган ашулалар камчиликни ташкил қилади. Аслида бундай қўшиқларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни беқиёс. Шунинг учун ушбу йўналишда ҳам янги қўшиқлар яратилса, фойдадан холи бўлмасди.

Қизиқ, бир пайтлар қўшиқнинг савияси, матни, куйи ва албатта ижро маҳорати "тарози"га солинар, яъни адабий кенгаш муҳокамасидан ўтгачгина, омма эътиборига ҳавола этилар эди.

Айтиш жоизки, бу жуда тўғри, маъқул иш бўлган! Ҳозир эса...

Ўйлаб қоласан киши... Наҳотки бугун тўғри келган "матоҳ" миллионлаб томошабин ҳукмига ҳеч иккиланмай муносиб кўрилаверса? Айримлар: "ҳозир пул бўлса, ҳар қандай (демак савияси жуда бўш бўлса ҳам!) китоб чоп этиш, ҳар қанақа кинони қўйиш, бўлмағур қўшиқни намойиш этиш муаммо эмас-да" дейишади.

Бу гаплар аччиқ ҳақиқат бўлиб қолди.

Айниқса, нодавлат ТВ ва радиоларда берилаётган "қўшиқ"ларни эшитиб қолсангиз, одамнинг роса хуноби ошади-да.

Энди қўшиқларнинг мусиқаси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, айрим қўшиқчиларимиз мусиқаларни хусусан, туркча, арабча, озарбойжонча, эронча куйлардан осонгина кўчириб олмоқда. Фақат сўзлари ўзбекча холос. Менимча, ҳар бир қўшиқ яратилаётганда қўшиқчи учун ёзилган бастакорнинг ижод маҳсули бўлиши керак. Кўплаб ёш режиссёрларнинг клипмекерликда ўзини синаб кўраётгани қувонарли ҳол албатта. Лекин улар суратга олаётган клипларнинг ҳаммаси ҳам мухлисларнинг дидига мос, маънавий мезонига тўла жавоб беради деб бўлмайди. Айрим клипмекерлар савияси паст қўшиқларга ҳам клип ишлаб, ўзларининг қимматли вақтини йўқотмоқдалар. Агар телеканаллар орқали клипмекер ва санъаткорларга миллий урф-одат ва қадриятларимиз, маънавий талаб, эҳтиёжлардан келиб чиқиб йўналиш берилса, нафақат ёшлар маънавиятини асрашга, балки қўшиқчилик санъатининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшилган бўлар эди.

Зеро, Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги қўшиқчилик санъатига оид қуйидаги фикрлар ҳам кишини жиддий ўйга толдириши шубҳасиз: *"...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам "Шашмақом" сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади"*.

Шундай экан, бугун матнида на маъно, куйида на савия бўлмаган тутруқсиз "қўшиқ"ларни, бачкана, маънавиятимизга зид келадиган "клип"ларни намойиш этган телеканаллар бўладими, турли хусусий "FM" радио каналларими, уларга қандайдир чора кўрилиши керак. Албатта, бу юқорида тилга олганимиз ҳеч қандай "цензура" вазифасини ўтамайди! Аксинча, маънавиятимиз учун жон куйдириш, керак бўлса курашиш демакдир.

...Биз юқорида қўшиқчилик, унга клип ишлашдаги баъзи камчилик ва хатоликлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик. Ўйлаймизки, соҳага мутасадди бўлган ташкилот, идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар улар тўғрисида ўйлаб кўришса, зарур чора-тадбирларни кўришса, айни муддао бўлади.

Шуҳрат НАСИМОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси.

В.ОСИМХОН чизган сурат.

"Энди классик қўшиқларни ҳам куйламоқчиман..."

МАДАНИЯТ

ШЕЪРИЯТ

Нечоғли азизсан озодлик сўзи

ОЗОДЛИК

Қуёш тутилганда қадим аждодлар,
Ўзин йўқотмишдир қўрқув, титроқда.
Самога термулиб қилмиш фарёдлар:
—Қуёш банди бўлди! Қуёш тузоқда!

Балки қиёматдан мудҳиш бу хабар,
Балки куфримиз кўп, гуноҳимиз зил.
Шунда хитоб этмиш ҳазрат Пайғамбар:
—Қуёш тутилганда қулни озод қил!

Нечоғли азизсан озодлик сўзи,
Сени фалаклар ҳам кўтаргай бошга.
Коинот машъали бўлса ҳам ўзи,
Озодлик керакдир ҳатто қуёшга!

04.08.08

СУРХОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мўъжиза ахтарсанг, юрмагил гангиб,
Яхшиси, Сурхоннинг тоғларига бор.
Симобий печ билан бошини танғиб,
Сени қарши олар сеҳрли Ҳисор.

Қора бодомининг битта донаси
Яшартар, барг каби турсанг ҳам сўлиб.
Сувига дам ургач, Омонхонаси
Кўксингга пуркайди Сангардак бўлиб.

Учқизил тарафга айлагил сафар,
Бир ёғи чўл унинг, бир ёғидир кўл.
Ё Ҳақ, деб қумига кирсанг сен агар,
Қирқ йиллик дардингни аритгай буткул.

Гапида тузи йўқ каслар оз эмас,
Бир умр намаксиз ичган ошини.
Беҳазил айтганда, ким келса ҳам, бас,
Ялайди Хўжамнинг тузлик тошини.

Бир боқсанг, қизлари парига ўхшар,
Зараут нақшидан тушгандек гўё.
Сени ҳам мажнунлар сафига қўшар,
Лўliваш нигоҳу туркона яғмо.

Ифору сунбуллар танингга дармон,
Қайта туғилгандек бўлурсан шу пайт.
Қолган бўлса агар дилингда армон,
Ҳаким бобомизнинг ўзларига айт.

20.08.09

РУҲ

Кетдинг — фано бўлдинг,
Энди сен учун
Лаҳад гўша бўлса, танҳолик ҳамдам.
Қайдадир бир дўстинг оҳ чекса узун,
Қайдадир топилгай қариндошинг ҳам.

Кимдир оромидан чиндан ҳам кечган,
Бир туш деб ўйлайди буларнинг барин.
Кимдир тиригингда қонингни ичган,
Энди сўйлай бошлар хотираларин.

Кетдинг, бари битди, энди қаршингда
Балки очилгайдир поёнсиз ҳудуд.
Балки булут бўлиб турар аршингда
Ҳовлинг ўчоғидан ўрлаётган дуд.

Руҳинг самоларда юрса ҳам кезиб,
Унутмас заминда қолган изларни.
Офат, балоларнинг шарпасин сезиб,
Огоҳ ҳам қилгайдир балки бизларни.

12.07.09

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ҲАЙИТ

Набирам Алишерга

Ҳайит келса чалинади
Ноғоралар.
Сомса билан тўлиб кетар
Тоғоралар.
Байрам бўлар ҳар бир уйда,
Хонадонда.
Хурсандчилик отажону
Онажонда.
Момолар шод, аммалар шод,
Холалар шод.
Ҳаммадан ҳам ўйинқароқ
Болалар шод.
Шўх набира савол берар
Тинмай бир пас:
— Бобо, айтинг, нега ҳар кун
Ҳайит эмас?
Бобо сўйлар аввал турли
Мақолини.
Жавоб берар сўнгра силаб
Соқолини:
— Ҳайит куни қачон келар,
Белгили-ку.
Мени ҳар кун табрикласанг,
Кулгили-ку.

25.08.09

ТААЖЖУБ

Қорни тўйган куни қашшоқ бир одам,
Ногоҳ кўзлаб қолди юлдуз ва ойни.
Деди: — Энг бадавлат
Инсонман шу дам,
Кўрсатингиз менга Ҳотами Тойни.

Нодонга ўқи, деб бердилар китоб,
Донога айланди у ҳам ўша кез.
У ҳам қолганларга айлади хитоб:
—Кўрсатингиз менга Афлотунни тез.

Одамлар бу ҳолни ҳазил деб билиб,
Шунчаки лоф каби қабул этдилар.
Дедилар: — У зотлар хижолат бўлиб,
Сизга кўринмайин қайтиб кетдилар.

23.08.09

УЗАНГИ

Кимлардир ҳар ишнинг пайтини пойлар,
Бетаъма бировга бермас ошини.
Эгарда экансан — илтифот айлар,
Олтин узангингга уриб бошини.

Оёғинг таянчдан узилса бир бор,
Барчаси дафъатан айланур ёвга.
Уларга сен эмас, керакдир тулпор,
Қўлларин чўзарлар энди жиловга.

23.08.09

СПОРТ

БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Италиянинг Милан шаҳрида давом этаётган бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирокини давом эттирмоқда.

Мусобақанинг учинчи кунида яна икки нафар ҳамюртимиз кейинги босқичга йўлланма олди. Ўз фаолияти давомида жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони бўлган Баҳодир Султонов дастлабки жангини даниялик Деннис Вилли Сейланга қарши ўтказди. Беллашувни кескин ҳужумлар билан бошлаган ҳамюртимиз рақибини 15:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Баҳодир Султонов навбатдаги учрашувда венгриялик Янош Михали билан куч синашади.

Яна бир вакилимиз Алишер Маҳмудов катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида илк маротаба қатнашаётганига қарамай, мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда. У дастлабки баҳсни мадагаскарлик Раймонд Эллиега қарши ўтказиб, 26:6 ҳисобида зафар қучди.

БАЛОТЕЛЛИ ВА ВИЕЙРА «ИНТЕР»ДАН КЕТАДИМИ?

Лондоннинг «Арсенал» футбол клуби бош мураббийи Арсен Венгер ўз жамоасига Италия ёшлар терма жамоаси ва Миланнинг «Интер» клуби ҳужумчиси Марио Балотеллининг келиб қўшилишига қарши эмаслигини билдирди. Бу ҳақда La Gazzetta dello Sport газетаси маълумот тарқатди. Шунга қарамай, бу борадаги якуний хулоса мавсумнинг охирида қабул қилинади. Хабарингиз бор, ушбу футболчига Россиянинг «Зенит» жамоаси ҳам қизиқиш билдирган эди.

Италия оммавий ахборот воситаларининг бошқа бир хабарида эса Испаниянинг «Барселона» клуби раҳбарлари кейинги йилнинг январь ойида «Интер» жамоасининг яна бир футболчиси, ярим ҳимоячи Патрик Виейрани сотиб олмоқчилиги айтилган. Маълумки, қиш фаслида Африка кубоги мусобақасида иштирок этиш учун Яя Туре ва Сейду Кейталар бир ойга жамоадан кетишади. Шунинг учун ўз-ўзидан жамоанинг ярим ҳимоя чизиғида бўшлиқ пайдо бўлади. Буни сездирмаслик учун эса «Барселона» клуби раҳбарлари Патрик Виейрани Испанияга олиб келмоқчи.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ БОЛАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Абакан шаҳрида 12-13 сентябрь кунлари "Футбол — гиёҳванд моддаларга қарши" Х-болалар фестивали бўлиб ўтади. Тадбирга Хакасия республикаси ҳомийлик қилади. Фестивалнинг очилиш маросимида Хакасия республикаси раҳбари Виктор Зимин ҳамда спорт, туризм ва ёшлар сиёсати вазири Валерий Денщиков иштирок этади.

Тадбирнинг очилиш маросимидан олдин эса бутун Россия бўйича ўтказилган "Чарм тўп" футбол мусобақасида еттинчи ўринни эгаллаган Абакан шаҳрининг «Сторк» жамоаси вакилларини «Саяни» стадионида табриклаш маросими ўтказилади. Шундан сўнг майдонда ёш футболчилар тур хил конкурсларда куч синашади.

МАШҲУР ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ДАРОМАДИ

Россиялик таниқли спортчи Мария Шарапова энг катта фойда кўрувчи теннисчилар рўйхатида етакчилик қилмоқда. Forbes журналининг ҳисоб-китобига кўра, машҳур ракеткачи жаҳоннинг етакчи компаниялари билан тузган реклама шартномаларидан 22,5 млн. доллар фойда кўради. Эркак теннисчилар орасида эса, испаниялик Рафаэль Надаль бу борада анча омадли инсон ҳисобланади. Унинг бир йил давомида топадиган пуллари 36 млн. долларни ташкил этади.

КЛИЧКОНИНГ ҲИММАТИ

Ўта оғир вазндаги жаҳон чемпиони Виталий Кличко калифорниялик ўт учирувчиларга жорий йилнинг 26 сентябрида Крис Арреол билан бўлиб ўтадиган жангнинг 100 та чиптасини совға қилди. Сан-Габриэль тоғларида ўт учиришда қатнашаётган кишиларнинг матонатли ҳаракати боксчини ҳайратга солган. Ҳозирда ушбу чарм қўлқоп устаси Лос-Анжелесда навбатдаги учрашувга ҳозирлик кўрмоқда.

«МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» ДАРВОЗАБОНИНИ АЛМАШТИРМОҚЧИ

The Sun нашрининг тарқатган маълумотларига кўра, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси раҳбарияти 38 ёшли дарвозабон Эдвин ван дер Сар ўрнига муносиб номзод қидирмоқда. Жорий мавсумдан кейин истеъдодли дарвозабон футболдаги фаолиятини тугатиши мумкин.

Айрим манбаларда айтилишича «Манчестер Юнайтед» Россия терма жамоаси ҳамда ЦСКА клубининг асосий дарвозабони Игорь Акинфеевга қизиқиш билдирмоқда.

Эркин ЁДГОРОВ тайёрлади.

ТУЙҒУ

ҚУЁШ

Бу заминда ҳамма ўз билганича ёки ўргатилганидек кун кўради. Кимдир кулиб, кимдир куйиб, кимдир тўйиб яшайди. Охири эса манзил бир...

Манзилни олдиндан фаҳмлаганлар абадият қонунини яхши билади. Уни ҳар қандай вазиятда бузмайди. Билмаганларнинг эса боши бўшлиққа урилгунча кўзи очилмайди.

Боқийлик қонунини билганларнинг бири "Агар бир дилни оғритсанг, юзар Каъба бузулмасму?" деса, бошқаси "Жонимдин ўзга маҳрами асрор топмадим", дея фиғон чекади. Алалхусус, барибир бу қонундан хабарсизлар кўпаяверади...

Қалбдаги ғашликни ҳайдаш учун деразам токчасидаги ҳали

очилиб улгурмаган гулга сув қуяман. Ташқарида кузак ели эсмоқда. Лекин ҳали Қуёш ухлагани йўқ. У ҳар доимгидек ҳаммага бирдек иссиқ меҳр улашаяпти. Аммо негадир гулимнинг барглари сўла бошлабди. Балки бу гултувак унга тор келаётгандир...

Ҳартугул гул уйга кўрк беради, ҳамхоналарининг кайфиятини кўтаради. Бундан ташқари, уларнинг соғлиги ҳақида қайғуради. Баъзан ҳаммангиз эсидан чиққанида ҳам бир четда жимгина тураверади. Ҳа, бу гул гўё боқийликнинг қонунини биладигандек. Йўқса, шундай жимгина яшармиди?!

Шу хаёл билан унга мен ҳам бир яхшилик қилмоқчи бўлдим. Гултувакни кўтариб ташқарига чиқдим. Гулни Офтоб нуридан баҳраманд қилмоқчи, эзгуликнинг абадиятга дахлдор эканини исботламоқчи эдим. Аммо Қуёш аллақачон уфққа бош қўйган экан...

Аммо, Гулим, сен кўп хафа бўлма. Қуёш эртага ҳам чиқади!

Ситора ШАМСИДДИН қизи

Нодар Думбадзе:

ТАФАККУР

"ВАТАН — ИЧКАРИРОҚДА, НАҚД ЮРАКНИНГ ЎЗИДА БЎЛИШИ КЕРАК"



Нодар ДУМБАДЗЕ *(1928-1984) — грузин халқининг суюкли адибларидан бири. Унинг "Қуёшни кўраяпман", "Мен, бувим, Илико ва Илларион", "Оқ байроқлар", "Абадият қонуни", "Кукарача" каби роман ва қиссалари, дилни ларзага солувчи кўплаб ҳикояларини ўзбек китобхонлари ҳам қўлдан қўймай мутолаа қилишади. Таниқли ёзувчининг "Эллада", "Кукарача" ва "Абадият қонуни" номли асарларидан тайёрланган қуйидаги фикрлар ҳам эътиборингизни жалб этади деган ўйдамиз.*

Агар ошиқларни қамайверишса, инсониятнинг ярми ҳозир қамоқхонада ётган бўларди.

* * *

Ватан — ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида бўлиши керак.

* * *

Ҳақиқий инсоннинг олдида сурбетлик қилишга ҳатто йўлбарс ҳам журъат этолмайди.

* * *

Каламуш одамдан яхши яшайди. На инфарктни, на стенокардияни, на тахикардияни билади...

* * *

Ватан — бу муқаддас ибодатхона, унинг меҳроби қаршисида тиз чўкиб топинмоқ керак. Фақат топиниш эмас, ҳар турли иблислар муқаддас даргоҳимизни оёқости қилмасликлари учун уни ҳимоя қилиш керак. Яна бир гап: ватанимиз учун жон фидо қилаётганларнинг олдинги сафларида бўлинглар! Менинг бошқа хоҳиш-илтимосим йўқ.

* * *

Ўқнинг катталиги атиги икки сантиметр келади, лекин у тўнғизни ағдаради!

* * *

Бугун сотилмаганинг учун ҳам эртага қадринг янада баландроқ бўлади.

* * *

Вақт — Худо! Худога ишонмаганлар вақтнинг қадрига етишмайди.

* * *

Ҳеч нарсага ишонмайдиган одамлар билан баҳслашишдан фойда йўқ.

* * *

Руставелини, дунё тарихини ва инглиз тилини ёд билган болаларга университетнинг кераги йўқ.

* * *

Маълумотга, одатда, маълумоти йўқлар муҳтож бўлади.

* * *

Ҳар қандай одам умрида лоақал бир марта бўлса ҳам оғир дардни бошидан ўтказиши керак. Бу нарса унга босиб ўтган йўлига хотиржам назар ташлаб, ҳаётига холисанлилло баҳо беришга имкон туғдиради.

С.ТОЖИДДИНОВА тайёрлади.

КОНФУЦИЙ ХИКМАТЛАРИ

ЭЛ СЕНИ ТАНИМАСА — СЕН ЭЛНИ ТАНИ

Устоз деди:

—Ташвиш чекма, танимаса сени одамлар,
Ташвиш чеккин одамларни танимасликдан.

ЧИН ОДАМ

Бир киши баланд мансабга уч марта қўйилди, аммо у бундан бирор марта ғурурланмади, у бу мансабидан уч марта бўшатилди, аммо у бу ҳолдан ҳам бирор марта хафа ҳам бўлмади.

— Бу одам чин инсондир, — деб унга баҳо берган эди Конфуций.

АВЛИЁНИ УЧРАТМАДИМ...

Устоз деди:

— Афсус, учрамади
бирор авлиё,
Ҳолбуки ҳаётда
кўпларни кўрдим.
Кўрсам олижаноб
инсонни илло —
Шукр қилиб, қўлин
кўзимга суртдим.

РАССОМ ХАНДАСИ

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган сурат.

"Муҳаббат" ёш танламайди...

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 10494 Буюртма — Г-826 1 2 3 5